2-жадвал маълумотлари бўйича 2020 йилда ҚҚС тўловчилар сони 113566 та, 2023 йилга келиб 187868 та ташкил этиб, кескин ошганлиги кўрсатади. Жами товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари 2020 йилга нисбатан қариб 2 барабар ошиб, 2023 йил 6 ойликда 788114,1 млрд. сўмни ташкил этади. Бюджетга тўланган ҚҚС 2020 йилга нисбатан 2022 йилда 12326,4 млрд. сўмга кўпайиб, 2023 йил 6 ойликда ундирувчанлик 72,6 фоизни ташкил этади. Фикримизча бундай ўсишга қўшилган қиймат солиғи занжирининг яхлитлигини ва узулуксизлигини таъминлаш мақсадида айрим имтиёзларнинг, масалан, дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария хизматлари буюмлари ва хизматлари учун имтиёзларини бекор қилиниши сабаб бўлмоқда.

3-жадвал

**Республика ва вилоятлар кесимида ҚҚС тўловчилар сони тўғрисида
маълумот⁹**

№	Худуд номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
	Республика а бўйича	8 329	10 807	12 775	85 481	113 566	143 034	14541 0	18154 4

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.






ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

1	ҚҚР	314	563	855	5 468	6 418	7 472	8 696	9643
2	Андижон	635	819	1 116	5 836	7 770	9 232	10 985	12098
3	Бухоро	424	545	664	6 444	8 456	1024 3	11 362	12557
4	Жиззах	235	386	402	3 889	5 103	6 088	6 930	7669
5	Қашқадарё	462	579	685	7 139	10 665	1371 1	14 768	16281
6	Навой	278	358	429	2 754	3 714	4 927	5 404	6009
7	Наманган	376	571	594	4 756	6 383	8 162	9 000	9960
8	Самарқанд	585	950	1 216	6 752	8 733	1096 8	12 152	13731
9	Сурхондарё	459	611	776	4 445	6 327	7 659	8 603	9559
10	Сирдарё	164	237	245	3 060	3 951	4 841	5 289	5868
11	Тошкент ви.	706	855	889	7 043	9 237	1218 7	13 579	15305
12	Фарғона	671	821	936	6 266	8 495	1048 8	12 232	13845
13	Хоразм	408	549	707	4 199	5 134	6 661	7 390	8322
14	Тошкент III	2 612	2 963	3 261	1647 4	22 168	2934 7	33758	39629
15	МРИ	0	0	0	956	1 012	1 048	1 056	1068

Ўзбекистон Республикада жами ҚҚС тўловчилар сони 2016 йилда 8329 та ташкил этган бўлса, 2023 йилда 173215 кўпайиб, йилдан йилга ошиб бормоқда. Шундан Қорақалпоғистон Республикасида, 2016 йилга нисбатан 2023 йилда 37017 тага ошган. ҚҚС тўловчиларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига фаолият кўрсатиб, 2016 йилга нисбатан 2023 йилда 37017 тага, шунингдек Андижон вилоятида 11463тага, Бухоро вилояти 11433 тага, Қашқадарё вилояти 15819 тага, Самарқанд вилояти 13146 тага, Тошкент вилоятида 14599 тага, Фарғона вилояти 13845 тага кўпайган. Шунингдек бошқа вилоятлар, жумладан Жиззах вилояти, Наманган вилояти, Сурхондарё вилояти, Хоразм вилоятида ҳам ҚҚС тўловчилари йилдан йилга ошиб бормоқда.

4-жадвал






Республикадаги жами соҳалар бўйича 2021-2023йилларда айланма ва тўланган ҚҚС таҳлили¹⁰

млрд.сўмда

Т / р	Соҳалар	Айланма			Тўлаган ҚҚС			Айланма ва тўланган солиқлар ўзгаришидаги мувофиқлик			
		2021	2022	2023	2021	2022	2023	2022 й.		2023 й.	
								Айланма ўзгариши, %	ҚҚС ўзгариши, %	Айланма ўзгариши, %	ҚҚС ўзгариши, %
	Жами	1037 68,2	13955 28,6	1750 800,9	112 830, 5	113 265, 2	150 171, 8	34,4 7	0,3 9	25, 4	32,5 8
1	Ишлаб чиқариш	372 828	465 881	566 172	66 391	59 487	75 492	25,0	- 10, 4	21, 5	26,9


¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

2	Қурилиш	106 228,4	141 912,9	155 394,6	7 053, 3	8 395, 6	9 774, 4	33,6	19, 0	9,5	16,4
3	Транспор т	81 426	103 353	166 245	6 703	7 971	12 285	26,9	18, 9	60, 9	54,1
4	Банк	65 082,8	94 003,5	104 348,1	3 948, 5	5 502, 7	7 681, 4	44,4	39, 4	11, 0	39,6
5	Суғурта	2 362,8	4 484,6	5 754,0	108, 5	115, 1	277, 1	89,8	6,1	28, 3	140, 8
6	Қишлоқ хўжалиги	32 499,7	49 546,8	41 965,8	2 537, 4	2 765, 6	2 518, 8	52,5	9,0	- 15, 3	-8,9
7	Пахта кластер	31 406,6	41 856,2	39 636,8	1 932, 7	2 915, 9	1 798, 6	33,3	50, 9	- 5,3	- 38,3
8	Савдо	276 058	396 935	521 161	11 709	14 507	18 068	43,8	23, 9	31, 3	24,5
9	Хизмат кўрсатиш	66 385	88 871	138 447	8 164	9 375	15 381	33,9	14, 8	55, 8	64,1






10	Нодавлат нотижора т фаолият	2 771,7	3 641,4	4 132,7	756, 2	592, 6	1 566, 6	31,4	- 21, 6	13, 5	164, 3
11	Бюджет	719,6	5 043,0	7 543,6	3 526, 7	1 637, 8	5 330, 0	600, 8	- 53, 6	49, 6	225, 4

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикада тўланган ҚҚС жами 2021 йилда 112830,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 113265,2 млрд. сўмни, 2023 йилда 150171,8 млрд. сўмни ташкил этиб кўпайган. Республикадаги жами соҳалар бўйича айланма ва тўланган ҚҚС ўзгаришидаги мувофиқликни таҳлил қилинганда, 2022 йилда айланма ўзгариши 34,47%ни ташкил этиб, 2023 йилда 25,46% камайган. Шулардан қурилиш соҳасида 2022 йилда айланма ўзгариши 33,6% дан 2023 йилда 9,5 %га, ҚҚС ўзгариши 2022 йилда 19,0 фоиздан, 2023 йилда 16,4 фоизга камайган. Шунингдек қишлоқ хўжалиги, пахтакластер соҳаларида ҳам пасайиш тенденцияларини кузатишимиз мумкин. Бундай ўзгаришларга ҚҚС кўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиши, жаҳон бозорида пахта, дон ўғитларнинг нархи пасайиши, шунингдек об-ҳавонинг салбий таъсир кўрсатганлиги, харажатнинг ошиши ҚҚС тушумларини камайтирган. Транспорт соҳасида ҚҚС ўзгариши 2022 йилга нисбатан, 2023 йилда 54,1 фоизга, банк соҳасида 39,6 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасида 64,1 фоизга ошган. Фикримизча бундай ўсишга йирик солиқ тўловчиларга товарларни импорт қилишда кўшилган қиймат солиғи тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган кўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилиши сабаб бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда эгри солиқлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда ҚҚС, акциз солиғи ва бошқа тўловларни ўз вақтида ундиришни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ҚҚС республикамиз иқтисодиёти ривожлантириш давлат бюджетини шакллантириш учун катта аҳамиятга эга. Эгри солиқлар давлат





бюджетини даромадлар манбаини оширишнинг барқарор базаси бўлиб, уларни ўз вақтиди ундирилиши ва бюджетга келиб тушишини таъминлаш лозим.

Давлат бюджети даромадларини ошириш мақсадида ҚҚС такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги бир қатор таклифларни амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Давлат бюджети даромадларини ошириш учун эгри солиқлар, жумладан ҚҚС, акциз солиғи, божхона бождари ва бошқа тўловларни белгиланган муддатларди тўлиқ солиққа тортиш давлат бюджетига вақтида келиб тушиши таъминлаш назоратни кучайтириш лозим.

2. Солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун жарима миқдорини ошириш лозим.

3. Инсофсиз солиқ тўловчиларнинг солиқ солинадиган базани камайтириб кўрсатиши ва асоссиз солиқ чегирмаларидан фойдаланиши солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажармасликка олиб келади. Солиқ назоратида инновацион ёндашувлар ва илғор рақамли технологиялардан фойдаланиш солиқ тўловчилар томонидан солиқдан бўйин товлашни, яширин иқтисодиёт ҳажмини камайтириш, эгри солиқларнинг фискал салоҳиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

4. Рақамли технологияларни янада ривожлантириш ҚҚС тўловчилари ва солиқ хизмати ўртасидаги мавжуд ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш анъанавий ҚҚСдан уни рақамлаштириш лозим.

5. Эгри солиқларни ҳисоблаш ва уни тўловини амалга ошириш бўйича интерактив ёндашувдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқдир. Бу солиқ маъмурияти солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши устидан солиқ назоратининг юқори натижавийлиги, холислиги ва ҳаққонийлиги, ҳуқуқбузарликларни олдини олишни таъминлайди. Натижада Ўзбекистон Республикаси бюджетига солиқлар тушумларини кўпайишига, ҳамда солиқ тизимини такомиллашувига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

2. “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 15.06.2021 йилдаги 373-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)
4. С.К.Худойқулов. Солиқ тизими. Ўқув қўлланма. Тошкент – «Илм Зиё» 2012 йил-27 бет
5. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 10.
6. Шовапский С.И. Косвенное обложение в теории и пракике Одесса. 1892. с. 16.
7. Ю.Н.Шестакова, Н.Н. Тюпакова // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. – 2013. – № 92(08). – Режим доступа: <http://ej.kubagro.ru/2013/08/89>.
8. Черник Д. Г. Налоги: учеб. – М.: Финансы и статистика, 2009, с. 153. Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш Дарслик /Ҳаммуал.: – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009 у. -400 бет.
9. А.Ҳ.Тошқулов, С.К.Худойқулов. Солиқ назарияси. Дарслик. Тошкент 2021 йил-290 бет
10. Яхёев.Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент.: Гафур Фулом, 2000. -32-33-б.
- 11.Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. — Тошкент: «Академия», 2002. - 14-б.
12. Гадоев Э., Кузиева Н., Ашуров Н. “Солиқ сиёсати стратегияси” фани бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент. - 2013. 102- бет.
13. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Монаграфия. Тошкент.: Янги аср авлоди, -2002. -56- б.
14. https://www.norma.uz/raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbolla1
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти





**РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ
УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ТДИУ таянч докторанти

ДТПИ ўқитувсиси

sh.abdulkhaeva@tsue.uz


Аннотация: Муаллифнинг ушбу илмий тадқиқотида рақамлаштириш орқали эгри солиқларни ундиришни такомиллаштиришга қаратилган, чунки солиқларни рақамлаштириш ҚҚС механизмнинг беҳато ишлашини таъминлаш, ҚҚС тизимида фирибгарлик ва хатоликлар хавфини камайтиш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш, ҚҚС манфий тафовути суммаларини қайтариш жараёнини соддалаштириш, эгри солиқ юкини камайтириш, вақт ва харажатларни қисқартириш имконини беради.

Калит сўзлар: ҚҚС. солиқ назорати, солиқ тизими, эгри солиқлар, солиқ карзи, корхона, давлат бюджети, рақамли ҚҚС, рақамли технологиялар, фойда, соф фойда.

Аннотация: В данном научном исследовании автора оно направлено на улучшение сбора косвенных налогов за счет цифровизации, поскольку цифровизация налогов обеспечивает безошибочную работу механизма НДС, снижает риск мошенничества и ошибок в системе НДС, повышает эффективность налогового администрирования, упрощает процесс возврата сумм отрицательной разницы по НДС, снижает косвенное налоговое бремя, дает возможность сокращать время и затраты.

Ключевые слова: НДС, налоговый контроль, налоговая система, косвенные налоги, налоговая задолженность, предприятие, государственный бюджет, цифровая НДС, цифровые технологии, прибыль, чистая прибыль.

Annotation: The author's scientific research aims to improve the collection of indirect taxes through digitalization, because the digitization of taxes ensures the smooth operation of the VAT mechanism, reduces the risk of fraud and errors in the VAT system, increases the efficiency of the tax administration, simplifies the process





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

of refunding the amounts of negative VAT differences, reduces the indirect tax burden, saves time and costs. allows to reduce.


Key words: VAT. tax control, tax system, indirect taxes, tax debt, enterprise, state budget, digital economy, digital VAT, profit, net profit .

Кириш (Introduction)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116 сонли фармони (18.07.2017 й.) солиқ маъмурчилигини такомиллишувиغا имкон яратмоқда. Фармонга солиқ тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш устувор вазифаси ҳисобланади. Эгри солиқларни, жумладан ҚҚС ни рақамлаштириш бўйича бир қанча ислохатлар қилиниб, солиқнинг ягона автоматлаштирилган тизими (ҚҚС тўловчилари реестри) жорий қилинган, шунингдек ҚҚС манфий тафовут суммаларини қоплаш “my.soliq.uz” портали орқали ҚҚС тўловчилари электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланилади. «Электрон давлат хизматлар» портали «Солиқ» ахборот тизимлари комплексини солиқ солиш соҳасида интерактив хизматларни кўрсатиш учун интеграция қилиш лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади – давлат солиқ хизмати органлари томонидан аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини оптималлаштириш, уларнинг сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва натижада солиқ тўловчиларнинг хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишдан иборат¹.

Қисқа давр ичида Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази асосида алоҳида инфратузилма, маълумотлар базаси ва уларни бошқаришда қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар яратилди. Электрон хизматларни бошқариш, уларнинг сифат кўрсаткичларини мониторинг қилиш, фойдаланиш статистикасини шакллантириш ҳамда вертикал назорат олиш бориш учун махсус ахборот тизимлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда ЭҲФлар

¹ <https://my.soliq.uz/main/about-portal>





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

(Электрон ҳисоб-варақ-фактура) қўлланилиб, уларнинг сони 12,1 млн.дан кўпроқ.

Мамлакатимиз солиқ тизимига янги технололиялардан кенг фойдаланилмоқда. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш учун маълумотларни сақлаш учун “Mongo sharding” (sharding key by TIN) дастури, шунингдек маълумотларни хотирада сақлаш учун “Redis” (Remote Dictionary Server) дастури, ҳамда “RabbitMQ” маълумотлар тезкор алмашинуви учун жуда муҳим ҳисобланди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Ҳозирги кунда бир неча давлатлар янги солиқ технологияларини жорий қилиб рақамли компанияларни солиққа тортиш тамойилларини қайта кўриб чиқилган. Солиқ тизимини рақамлаштириш, жумладан рақамли компанияларни даромадларини солиққа тортишдаги янги ёндашувлар рақамли ҚҚС тизими ривожланган давлатларнинг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Маҳаллий ва хорижий манбаларда рақамлаштириш жараёнлари, хусусан, бизнес муҳитида иқтисодиётни рақамлаштириш илмий ҳамжамиятда ҳам рақамли ечимларни амалга ошириш учун энг фойдали йўналишларни изламоқда.

Рақамлаштириш ҳаётни мураккаблаштириши эмас, балки соддалаштириши керак. Адам Смит томонидан кўрсатиб берилган солиқ тизимининг самарадорлик алифбосида шундай дейилади: солиқлар ўртача, тушунилиши, ҳисобланиши ва тўланиши оддий бўлиши керак.

Рақамли иқтисодиёт ва ҚҚС тушунчасига бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов "Рақамли иқтисод - ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит" - деб таъриф берган. М.Л. Калужский рақамли иқтисодиёт - иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир деб таърифлаган. Манбаларда келтирилишича “Рақамли иқтисодиёт” иқтисодиётнинг бундай тури маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модель ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт ҳақида маҳаллий олимлардан Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор С.С. Гулямовнинг “Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари”





номли ўқув-қўлланмасида рақамли иқтисодиётга қуйидагича таъриф берилган: “Рақамли (электрон) иқтисодиёт бу – ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш унинг ўзига хос хусусияти бўлган иқтисодиётдир”.²

Россия олимлардан М.О.Клейменова ҚҚС қуйидагича таъриф беради: ҚҚС - бу ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ундириладиган товарлар нархига устама ҳисобланадиган билвосита федерал солиқ³. С.Г. Пепеляев ва Э.В.Кудряшова эса қуйидаги таърифни берадилар: ҚҚС - бу барча ишлаб чиқариш ва тақсимлаш цикли доирасида ҳар бир товар айирбошлаш актдан ундириладиган кўп босқичли истеъмол солиғи⁴. Шунингдек А.А. Тедеев фикрига кўра “ҚҚС товарлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида ундириладиган билвосита федерал солиқ”.⁵ Иван Горлов билвосита солиқлар "мулкдан эмас, балки маълум бир давлатдан фойдаланишдан олинади" деб ҳисоблаган.⁶ Н. Соболев фикрига кўра билвосита солиқлардан фойдаланганда таъкидлади "Солиқ солинадиган товарларнинг бозорга солиқ солинмасдан кириб келмаслиги учун уларни ишлаб чиқаришни назорат қилувчи катта штатни саклаш керак. Ҳар бир заводда корхоналардан маҳсулот ишлаб чиқариш ва чиқаришни назорат қилувчи махсус молиявий агентлар бўлиши керак".

Француз иқтисодчиси Де-Фовилль фикрига кўра билвосита солиқлар "ҳаракат, факт, айирбошлашга тушади ва қоида тариқасида, тарифлар орқали ундирилади.⁷ Немис сотсиалисти Ф. Лассал эса “билвосита солиқлар катта бойлик эгаларини имтиёзли ҳолатга келтиради ва юқори жамиятлар томонидан табақаларни эксплуатация қилишга ёрдам беради”,⁸ шунингдек немис

² С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019. 32-бет

³ Клейменова, М.О. Налоговое право: учебное пособие. М.: Московский финансово-промышленный университет "Синергия", 2013. С.215

⁴ Пепеляев, С.Г., Попов, П.А., Косов, А.А. и др. Налоговое право. Особенная часть: Учебник для вуза. М: Просвещение, 2017. С.319.

⁵ Тедеев А.А. Налоговое право России: учебник для акад. бакалавриата. М: Юрайт, 2018. с.265

⁶ Иловайский С.И. “Косвенное обложение в теории” и пракПос Одесса. 1892. с. 108.

⁷ Сачофа«ж В. Косвенные налоги и подоходный налог. СПО., 1907. с. п.

⁸ Иловайский С.И. Косвенное обложение в теории и практип. Отсса. 1892. С. 87. Цит. по Lasale, Ф, с. 6.





иқтисодчиси Алберт Схеффле эса "давлат шахсининг ўртача солиқ қобилиятига эга бўлганлари; жисмоний шахсдан ўтиб кетиш учун - тўловчининг ҳақиқий солиқ қобилиятини фақат солиқ солинадиган субъектларнинг ўзлари билиши мумкин, давлат барча фуқаролардан даромадларини жамғариш ва истеъмол қилиш актларида ўзлари кўрсатган даражада солиқ солади ва бу солиқлар билвосита ҳисобланади" каби фикрларга эга бўлган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)


Рақамли орқали ҚҚС бўйича солиқ тизимининг самарадорлигига эришиш омилларини аниқлаш ва аҳамиятлилиги даражасини белгилашда илмий билишнинг фундаментал методологияси асосида шаклланган бўлиб, индукция ва дедукция, диалектик бирлик, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таққослаш ва ўхшашлик усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот давомида тизимли ёндошувни қўллаш орқали иқтисодий – статистик, тузилмавий – динамик таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Солиқ тизимини рақамлаштириш, жумладан рақамли компанияларни даромадларини солиққа тортишдаги янги ёндашувлар рақамли ҚҚС тизими ривожланган давлатларнинг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Лотин Америкасида миллий электрон ҳисоб-фактура тизимларини жорий этиш ҳаммага маълум тенденция ҳисобланади. Чили, Бразилия, Мексика ва Аргентина каби ушбу технологияни қўллаш бўйича этакчи мамлакатлар рўйхатдан ўтган ҳисоб-фактура компанияларининг юз фоизга яқинини амалга оширишган.

Колумбия солиқ маъмурияти томонидан жойлаштирилган булут иловаси томонидан қўллаб-қувватланадиган олдиндан расмийлаштириш моделини амалга оширувчи янги операцион моделни жорий қилди. Боливия, Салвадор ва Гондурас ўзларининг миллий тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича доимий лойиҳаларга эга.

Аргентинада соддалаштирилган режими солиқ тўловчиларга ҳисоб-фактураларни расмийлаштиришни осонлаштирадиган мобил иловалари, солиқ маъмурияти ва мижозлари олдидаги мажбуриятларини бажаришда вақт ва пулни тежаш имконини беради.





Чили солиқ маъмурияти томонидан кенг кўламли электрон ҳисоб-фактура факторинг лойиҳаси кўплаб солиқ тўловчилар учун тегишли янги ресурслардан фойдаланиш имкониятини очди. Ўзаро алмашилган ҳужжатлар сони унчалик катта бўлмаса-да, савдо ҳажми таъсир қилади. Чилида солиқ маъмурияти ҚҚС бўйича барча солиқ тўловчилар учун кириш ва чиқиш регистрларини тайёрлайди, улар учун тегишли ҳисоб китобларини юритиш талабини бекор қилади. Бундан ташқари, СИИ ҚҚС декларациясини ҚҚСда рўйхатдан ўтган барча солиқ тўловчилар орасида 90 фоиздан юқори қабул қилиш даражаси билан олдиндан тўлайди.


Бразилиянинг баъзи штатларида мобил иловалар аҳоли учун мавжуд бўлиб, улар товарларнинг энг яхши нархларини (ўзларида мавжуд бўлган штрих кодлари асосида) реклама бўйича эмас, балки ушбу товарларнинг фойдаланувчи ҳақиқий нархлари асосида дастурни сўраган жойдан бир неча километр узоқликда жойлашган корхоналардан сўраш имконини беради. Бундан ташқари, баъзи штатлар давлат томонидан маълум товарларни, айниқса, сарфланадиган материалларни харид қилишда энг яхши нарх усулини қўллади, бу эса ўтган йилларга нисбатан сезиларли иқтисодий фойда келтирди.

Буюк Британияда ялпи даромаддан 2% рақамли солиқ 2020-йил апрелидан ундирилиш жорий қилинган. Қонун лойиҳасига кўра, ушбу солиқ тури рақамли бизнес модели бўйича фаолият юритувчи компанияларга, (моделлар қидирув тизимлари, ижтимоий тармоқлар, онлайн бозорлар ва онлайн реклама) компанияларга тегишли бўлиб, ушбу солиқ товарларни онлайн сотиш учун эмас, балки воситачилик хизматларини кўрсатиш натижасида олинган даромадлардан солиқ ундиришга қаратилган⁹.

Буюк Британиядаги фойда солиғини тўлайдиган компаниялар рақамли солиқни фақат Буюк Британия даромад солиғи қоидаларига мувофиқ бизнес харажатлари сифатида тан олинган ҳолда фойда солиғи базасидан чегириб ташлашга руҳсат берилади. Шунингдек, рақамли солиқ фойда солиғини тўлашда ҳисобга олинмайди, шунинг учун рақамли солиқда қисман икки томонлама солиқ ундириш ҳисобланади. Аммо, Буюк Британияда рақамли солиқ, корпоратив

⁹ <https://www.gov.uk/government/publications/introduction-of-the-new-digital-services-tax>

Буюк Британия давлат сектори ахборот сайти






ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

фойда солиқни тўламайдиган компанияларга таалукли бўлганлиги учун, бундай қисман икки томонлама солиққа тортишдан иқтисодиётга унчалик зиён етказмаслиги мумкин.

Буюк Британияда рақамли солиқ жорий этилишининг бюджетга таъсири прогзони қуйидаги 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Буюк Британияда рақамли солиқ жорий этилишининг бюджетга таъсири прогзони (миллион фунт стерлинг)¹⁰

Британия солиқ ҳамжамиятида рақамли солиқни жорий этиш ҳам бир қатор экспертлар томонидан танқид қилинади. Уларнинг фикрича рақамли солиқ инноватцион маҳсулотларни жорий этишнинг секинлашишига олиб келади, шунингдек Буюк Британиянинг технология ва стартапларга сармоя киритиш учун обрўсига путур этказади. Шунингдек, Франция мисолида бўлгани каби, АҚШ томонидан санциялар қўлланилиши эҳтимоли ҳам қайд этилган¹¹.

HMRC (инг. Her Majesty's Revenue and Customs— даромад ва божхона хизматлари) маълумотларига кўра, агар келишилган ечим бўйича халқаро консенсусга эришилса, Буюк Британия ўзининг рақамли солиқларини бекор қилишга тайёр. Расмий равишда, Буюк Британияда рақамли солиқ хар 5 йилда бир марта кўриб чиқилиши таклиф этилади.

Италия 2020-йил 1-январдан Б2Б ва Б2С рақамли хизматларидан олинадиган даромаддан 3% ставкада рақамли солиқ жорий этишга қарор килди¹².

¹⁰ Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹¹ Маълумот манбаси Lexology: <https://www.lexology.com/library/detail.aspx?g=65e69a4d-9f2f4b50-91c1-2ad4f256f298>

¹² Италия Республикасининг 2020 йилги бюджети ва 2021 ва 2022 йиллар учун режалаштириш даври учун Қонуни : <https://www.fiscoetasse.com/upload/Legge-di-Bilancio-2020-Atto-2305-del-17122019.pdf>





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

Ушбу қонунга кўра, рақамли солиқ даромади йилига 750 миллион еуродан ошган компаниялардан ундирилади.

Италияда рақамли солиқ қуйидаги хизматларни кўрсатишдан ундирилади:

а) рақамли платформаларда италиялик фойдаланувчига мўлжалланган рекламаларини жойлаштириш;

б) Италия фойдаланувчиларига кўп партияли рақамли платформага киришни таъминлаш, бу орқали фойдаланувчилар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлишлари, шунингдек, товарлар ва хизматларни сотишлари мумкин;

с) Италия фойдаланувчиларидан рақамли платформалардан фойдаланиш натижасида олинган маълумотларни узатиш.

Италияда солиқ қуйидаги хизматлар турларига нисбатан қўлланилмайди:

- фойдаланувчиларга рақамли платформага фақат фойдаланувчиларга рақамли контентни етказиб бериш, алоқа хизматларини кўрсатиш;

- тартибга солинадиган молия институтлари томонидан тартибга солинадиган молиявий хизматлар кўрсатиш;

- тартибга солинадиган молия институтлари томонидан маълумотларни узатиш.

Италияда рақамли солиқни ҳисоблаш, жарималарни ундириш ва суд жараёнлари учун ҚҚС тартиб-қоидаларига асосан қўлланилади.

Италия рақамли солиқ қоидаларига кўра Франциянинг рақамли солиқ қоидаларидагидек, рақамли солиқ фойда солиғи базасидан чегириб ташланмайди. Рақамли солиқ бўйича солиқ базасидан турли харажатларни (масалан, трафикни жалб килиш харажатлари) чегириб ташлашнинг мумкин эмаслигини белгиловчи қоида мавжуд. Ушбу қоида Францияда ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек Италияда Франция ва Буюк Британияда каби бу солиққа икки томонлама солиққа тортиш қўлланилмайди. Италияда рақамли солиқ тушумлари ҳисоб-китобларга кўра, рақамли солиқ тушумлари йилига 600 миллион еурони ташкил қилади¹³.

2016 йил 29 февралдан бошлаб, **Ҳиндистон**да рақамли солиқнинг тенглаштириш тўлови ишламоқда. 2017 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ушбу

¹³ Reuters: <https://www.reuters.com/article/us-italy-economy-web-tax/italys-economy-minister-sees-web-tax-launch-next-year-idUSKBN1WN1VG> Халқаро ахборот ва молиявий ахборот агентликларининг веб-сайти



ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

солиқ Ҳиндистон бюджетига 39 миллион АКШ долларига якин даромад келтирди. Ҳиндистонда ушбу солиқ тўлови фақат онлайн реклама хизматларига тегишли¹⁴.

Реклама солиғи **Венгрияда** реклама вақти ёки майдони савдосидан олинган солиқ резидент ва норезидентларининг ялпи даромадидан ундирилади. Солиқ солинадиган операциялар оммавий эшиттириш учун фойдаланиладиган оммавий ахборот воситаларининг турига қараб кенг кўламли реклама хизматларини, шу жумладан телевидение ва радио, босма газеталар, билбордлар, транспорт воситалари, кўчмас мулк ва веб-сайтлар ўз ичига олади¹⁵. Венгрия реклама солиғи ставкаси прогрессивдир: масалан, асосий солиқ мажбуриятига нисбатан ставка 5,3% дан 7,5% гача, иккиламчи солиқ мажбурияти эса 5% ни ташкил қилади. 2019-йил 1-июлдан 2022-йил 31-декабргача Венгрияда реклама солиғи нолга қайтарилди¹⁶.

Бугунги кунда мамлакатларда рўй бераётган ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, шунингдек замонавий технологик ечимлар асосида яратилган янги вертуал бизнес моделлар асосида иқтисодиёт ва давлат бошқарувидаги муносабатлар янгиланмоқда.

Рақамли хизматлар солиғи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган хориждаги давлатлардан ундирилади (1.3- жадвал). Ушбу солиқ ҚҚС ёки товарларни сотиш солиғи шаклида солиққа тортилади.

1-жадвал. Давлатлар кесимида рақамли бизнеснинг миллий солиққа тортиш хусусиятлари¹⁷

Давлатлар	Солиқ элементлари	Жорий этилиши
Франция	рақамли савдога эга рақамли компаниянинг жаҳон бўйича камида 750 миллион евро (845	24.07.2019

¹⁴RashminSanghvi& Associates:https://www.rashminsanghvi.com/articles/taxation/electronic_commerce/Equalisation_Levy%E2%80%93An_Analysis/EL%20%E2%80%93In%20Simple%20Words.html Ҳиндистон юридик фирма сайди.

¹⁵ RSM International Association: <https://www.rsm.global/insights/tax-news/hungary-advertisement-tax>

¹⁶ RSM International Association: <https://www.rsm.global/insights/tax-news/hungary-advertisement-tax>

¹⁷ Муаллиф томонидан маълумотларга асосан тузилган





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

	миллион доллар) даромадга эга ва Францияда 25 миллион эвро даромадига 3% солиқ	
Италия	йилига 750 миллион эвродан ортик глобал даромадга эга ва Италияда камида 5,5 миллион эвро сотиладиган рақамли компания даромадига 3% солиқ	01.01.2020
Буюк Британия	рақамли хизматлар учун 2% солиқ	01.04.2020
Австрия	йиллик айланмаси 750 миллион эвродан ортик бўлган компанияларнинг онлайн реклама даромадларига 5% солиқ шундан 25 миллион евро - Австрияда	01.10.2020
Сингапур	рақамли хизматлар учун 7% (2021 йилдан - 9%)	01.01.2020
Испания	йиллик 750 млн.евродан ортик соф айланмага эга бўлган ва Испанияда рақамли хизматлардан даромади 3 млн.евродан ортик бўлган йирик халқаро компанияларнинг рақамли хизматлар кўрсатишдан олинган ялпи даромадга 3% солиқ.	18.01.2020
Вьетнам	ҚҚС 2-5%	01.01.2021
Филиппин	йилига 250 минг ПХП ҚҚС 10%	01.01.2021
Турция	рақамли компания даромадидан 7,5% солиқ	Кўриб чиқилмоқда
Чехия	рақамли хизматлар учун 7% солиқ	кўриб чиқилмоқда
Таиланд	ҚҚС 7%	кўриб чиқилмоқда





Япония	хорижий сайтлар орқали амалга оширилган рақамли юкламалар учун солиқ	Халқаро муҳокамада
Россия	рақамли хизматлар қийматидин ҚҚС 20% (18% 01.01.2019)	01.01.2017

Жадвалда маълумотларида кўрсатилганидек, **Франция** 2019 йил 24 июлда рақамли солиқни жорий қилган биринчи давлат эди. Конунларга асосан қуйидаги икки турдаги хизматлар учун тан олинади:

а) Француз фойдаланувчиларига бошқа фойдаланувчилар билан боғланиш ва мулоқот қилиш имконини берувчи рақамли платформани тақдим этиш (“воситачи хизматлар”). Франция Валюта-молия кодексининг 314-1;

б) реклама берувчиларга француз фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар асосида рақамли платформаларда мақсадли реклама постларини жойлаштиришга қаратилган хизматларни тақдим этиш. Реклама постларини сотиб олиш ва сақлаш, компания натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш, фойдаланувчи маълумотларини бошқариш ва узатиш ҳам ушбу туркумга киради. Рақамли платформаларда мақсадли бўлмаган реклама жойлаштириш хизматлари амалда солиқдан озод қилинган¹⁸.

Рақамли солиқ қуйидаги иккита шарт бажарилган тақдирда ҳам француз, ҳам хорижий компаниялар учун қўлланилади:


- Компания кўриб чиқилаётган йил давомида юқоридаги хизматлардан камида биттасини кўрсатганда;
- Компанияга эгалик қилувчи ўтган йили бутун дунё бўйлаб манбалардан олинган 750 миллион евро чегарасидан ошиб кетган, шундан 25 миллион евро француз фойдаланувчилари ҳисобига тўғри келганда.

Францияда ушбу солиқнинг бир томонлама жорий этилишини ҳақида баъзи солиқ мутахассислари ўз фикрларини билдирадilar: ялпи даромаддан солиқ ундириш орқали зарар кўрган кўплаб компанияларнинг аҳволини оғирлаштириш хавфи мавжуд¹⁹. Бу ҳолатда Францияда мамлакат раҳбарияти томонидан ушбу

¹⁸ Официальный интернет-портал правовой информации Франции:

<https://www.legifrance.gouv.fr/affichLoiPubliee.do?type=general&idDocument=JORFDOLE000038203221>

¹⁹ Dentons: <https://www.dentons.com/en/insights/articles/2019/july/15/french-digital-services-tax-dst>





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7


солиқни солиқ тўловчилар учун қўшимча юк келтирмаслигини таъкидласада, даромад солиғни тўлайдиган компаниялар икки томонлама солиқ ундирилиши хавфи юзага келишини мумкин.

Электрон хизматлар учун рақамли солиқнинг ҚҚС билан ўхшашлиги борасида мунозара ҳам олиб борилган. Экспертлар ушбу солиқ учун чегаранинг адолатлилигига шубҳа қилишади: масалан, кичикрок компаниялар, уларнинг фикрича, ноқонуний субсидия олади²⁰.

2-жадвал. ҚҚСни рақамлаштиришдаги асосий муаммолар

Муаммо	Муаммо таснифи	Муаммони ечиш йўллари
Рақамли узилиш	Энг кенг тарқалган муаммо солиқ билан ўзаро муносабатлар барқарор бўлмаганда ахборот-коммуникатсия каналларига кириш (масалан, Интернетнинг йўқлиги Ўзбекистоннинг чекка аҳоли пунктлари).	Янги ҳисобот шаклига риоя этишда масъулиятни ошириш; ташкилот узок ҳудудларда интернетга уланиш нукталарини ташкиллаштириш.
Харажат ва мураккаблик	Янги дастурий таъминотни жорий этиш солиқ органлари учун ҳам, солиқ тўловчилар учун ҳам қимматга тушади. Янги дастурларни тушунадиган мутахассислар чекланганлиги.	Солиқ органларининг харажатлари солиқ йиғимини кўпайтиришдан, солиқ тўловчиларнинг харажатларини эса жарималардан қочиш орқали қоплаш; ходимлар учун ўқув семинарлари ташкиллаштириш.
Хавфсизлик ва махфийлик	Инсон омили мавжуд. Кўплаб суистеъмолликлар учун электрон алоқалар очик	Маълумотлар бошқарувчилари фаолияти юзасидан назорат олиб

²⁰ Ўша ерда





		бориш; фойдаланувчи маълумотларини химоя тизимини такомиллаштириш
Маълумотларга ўтиш	Олдинги давр хисобот маълумотлари янги форматга мослаштирилмаган	Энг мухим хужжатларни янги форматга ўтказинш
Қонунчиликдаги номувофиқлилар	Мавжуд норматив қонуний база жорий бўлмаган даврда яратилган солиққа тортиш ва ишларнинг ҳолатини ҳисобга олмайди	Амалдаги қонун хужжатларини тузатиш, янгиларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Солиқларни рақамлаштириш – бу солиқларни ундириш, ўзгартириш, даромадни оширишга таъсир қилувчи рақамли технологиялар ва ахборот тизимларини яратиш, уни амалда қўллаш орқали шаффофликни ошириш, маълумотларни яхлитлигини таъминлаш, инсон омили таъсирини камайтириш, хизмат сифатини яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасидаги яхши ҳамкорликни ўрнатиш, ички молиявий шарт-шароитлар яратиш имконини берадиган жараён дур.

Солиқларни рақамлаштириш, жумладан ҚҚС ни рақамлаштиришнинг давлат ҳамда солиқ тўловчилар учун бир қатор афзалликлари келтирилган:

1. ҚҚСни рақамлаштириш орқали ёпик деб белгиланган ҳар қандай давр учун солиқ маълумотларини нашр этиш ёки ўзгартиришни тақиқлаш, ҚҚС солиққа тортиш тўғрисидаги маълумотларни саралаш ҳамда алоҳида сақлаш, ҚҚС чекланган функция ва вазифалардан фойдаланиш тизими орқали солиқ инспекторларининг вазифаларини ажратиш, ҚҚС қайта ишлаш жараёнида солиққа тортиш тўғрисидаги маълумотларнинг яхлитлигини таъминлаш, учинчи шахслар томонидан маълумотларнинг йўқолиши, бузилиши ёки ўғирланишининг олдини олади.






2. ҚҚС ни рақамлаштириш солиққа тортишнинг шаффофлигини ошириш: реал вақт режимида маҳсулот сотиш жараёнларини назорат қилиш, ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисида давлатни автоматик равишда хабардор қилиш, яъни ҚҚСни тўлашдан бўйин товлаш тубдан бартараф этиш;

3. ҚҚС солиғи бўйича маъмуриятчилик ҳаражатларини камайтириш: ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнига инсон омилининг таъсирини чеклаш, бу хатолар корхоналардан ортиқча тўланган ҚҚС суммаларини қоплаш, ҳисобкитоб қилиш ва қайтариш бўйича (ҚҚСнинг нотўғри ҳисобланган ва тўланган суммалари) сонини камайтириш ва аризалар сонини камайтириш имконини беради.

4. Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш: ҚҚС бўйича солиқ маъмуриятчилиги жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилиши мумкин, бу эса батафсил статистик ҳисобот олиш ва ҚҚС солиғи бўйича давлат даромадларини юқори даражада тез ва аниқ прогноз қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги олий мажлис Мурожаатномаси
4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш Дарслик /Ҳаммуал.: – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009 у. -400 бет.
5. Тошматов, М.М.Комилов. Қўшилган қиймат солиғи Монография Тошкент: 2004 й. -- 184-бет
6. Голик Е. Н. Цифровизация администрирования НДС в системе обеспечения экономической безопасности doi: 10.22394/2079-1690-2021-1-2-103-109





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

7. Aplin P. Digitalisation of tax: international perspectives. URL: <https://www.icaew.com/-/media/corporate/files/technical/digital-tax.ashx?la=en> (access date: 25.01.2019).
8. Карпова О. М. Трансформации налога на добавленную стоимость в условиях форсированной цифровизации российской экономики текст научной статьи по специальности «экономика и бизнес» ЖУРНАЛ Вестник Томского государственного университета. Экономика2019
9. Trenta C. European VAT and the digital economy. URL: <https://www.business.unsw.edu.au/About-Site/Schools-Site/Taxation-Business-Law-Site/Documents/imeTrenta-Re-thinking-EU-VAT-paper.pdf> (access date: 25.01.2019).
10. CudahyG. Blockchain reaction. URL: [https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-blockchain-reaction-tech-companies-plan-for-critical-mass/\\$FILE/ey-blockchainreaction.pdf](https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-blockchain-reaction-tech-companies-plan-for-critical-mass/$FILE/ey-blockchainreaction.pdf) (access date: 25.01.2019).
11. . OECD. Co-operative Tax Compliance: Building Better Tax Control Frameworks. URL: <https://doi.org/10.1787/9789264253384-en> (access date: 21.01.2019).
12. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 115.
13. Афанасенко И.Д., Борисова В.В. Цифровая логистика: учеб. для вузов. СПб : Питер, 2018. 272 с.
14. Что такое цифровизация? URL: <https://www.e-executive.ru/management/itforbusiness/1989667-cto-takoe-tsifrovizatsiya?scrolltop=1832> дата обращения: 25.01.2019).
15. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>
16. <https://review.uz/oz/post/>
17. <https://my.soliq.uz/main/about-portal><https://kun.uz/kr/news/2022/05/07/soliq-tushumlari-17-foizga-oshdi-dsq>
18. <https://yuz.uz/news/blokcheyn-texnologiyasini-qqs-mexanizmiga-joriy-etish-qanday-imkoniyatlar-yaratadi>





ПОСЛЕДНИЕ ДНИ ЖИЗНИ М.Ю.ЛЕРМОНТОВА

Джабарова Махсуда Кубаевна

Самаркандская область Пастдаргомский район. Школа № 95.

« Ещё минута и я упал »

М.Ю..Лермонтов

Аннотация: Лермонтов Михаил Юрьевич - великий русский поэт, в данной статье анализируются жизнь, творчество Лермонтова и последние дни его жизни.

Ключевые слова: Лермонтов, слово, произведение, стихотворение, жизнь, творчество.

Кавказский край занимает исключительное место в жизни и творчестве М. Лермонтова. Лермонтов приехал в Пятигорск со своим родственником и другом Алексеем Стальпиным. Когда они получили разрешение задержаться в Пятигорске, чтобы принять лечение, они сняли флигель усадьбы под камышовой крышей, где М. Ю. Лермонтов провёл свои последние месяцы и дни своей жизни.

Так, что же привлекло Лермонтова именно в этом доме? Во первых: дом стоит у подножья горы Машук, а все прекрасно знают, как поэта привлекали и вдохновляли горы Кавказа. Во вторых: дом, несмотря на свои нескромные размеры, имел террасу, где последние свои произведения написал именно здесь. Кроме того, здесь были конюшни. И своего коня по имени Черкес поэт держал именно здесь. На территории разбиты цветники, что создаёт очень милую атмосферу. В утренней тихие часы, сидя на террасе, поэт придавался сочинению, здесь он написал свои последние стихотворение «Выхожу один я на дорогу», «Нет, не тебя я так пыльно люблю».

Музеем этот домик стал с 1922 года. Сюда из его Пятигорской квартиры привезли письменный стол. Именно за этим столом было написано «Смерть поэта» и «Парус», «Бородино» и «Демон», «Мцыри» и «Герой нашего времени». Да, именно сюда привезли его друзья истекающего кровью, тогда уже нельзя было ему помочь. Как известно, на дуэли поэт был ранен очень серьёзно. Секундаменты бросились в город за докторами повозкой, но это же заняло какого то время. Всё это время великий поэт истекал кровью, под дождём, в лесу, при нём были друзья, но было поздно, время было упущено и только в





темноте поэта привезли в доме под камышовой крыши и через несколько часов он скончался. Это было в 27 июля 1841 года.

Изучая Лермонтова, любой современный человек заинтересуется его дуэлью с Мартыновым, о Пушкине с Дантесом все более менее известно и ясно, а эта дуэль малоизвестна. Причины этой дуэли во многом известны, но до конца не ясны до сих пор. Раньше все было просто: в советское время в учебниках сообщалось, что жандармы, связанные с самим своим шефом Бенкендорфом, организовали ссору и дуэль Лермонтову, чтобы уничтожить поэта-свободолюбца, чуть ли не по приказу царя Николая I. Сегодня мы знаем правду о причинах дуэли Лермонтова с Мартыновым, но некоторые обстоятельства неизвестны и остаются нераскрытыми. К моменту гибели Лермонтов уже был широко известным поэтом и автором романа "Герой нашего времени", однако на его смерть ни один из талантливых поэтов того времени не откликнулся вдохновенными и горькими стихами. Почему? Дело не только в характере Лермонтова, его остром языке и отношениях с окружающими людьми. Дело прежде всего в том, что большинство из тех, кто знал его, видели в нем молодого человека и офицера невысокого чина. Повторялась история с Пушкиным: великий поэт и камер-юнкер. Увидеть в Лермонтове великого поэта, наследника Пушкина могли только такие передовые люди того времени, как Белинский. А язвительнопрезрительный характер поэта отталкивал от него многих знакомых. Но на личность и характер Лермонтова наложили свой отпечаток многие обстоятельства: ранняя смерть матери, разлука с отцом, военная муштра в юнкерской школе, реакционная обстановка в России после подавления восстания декабристов, надзор и цензура, интриги царского двора и окружения самого поэта, гибель его кумира Пушкина, мгновенная слава после написания стихов на его смерть, арест и ссылка на Кавказ в 1837 году, суровая военная служба и, конечно, главное - создание поэтических шедевров, неразделенная любовь, постоянные болезни, злосчастная дуэль с де Барантом и вторая ссылка в 1840 году, жестокие бои на Кавказе, невозможность выйти в отставку для литературной деятельности, ненависть и зависть врагов. И все это уместилось в короткую, 26-летнюю жизнь! Да, характер у Лермонтова был сложный, даже противоречивый. Поэт то веселился, то грустил, то часами молчал, то был желчным и саркастичным. Падчерица генерала Верзилина Э.Шан-Гирей, жившая





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

в Пятигорске, вспоминала о Лермонтове: "...характера он был неровного, капризного, то услужлив и любезен, то рассеян и невнимателен". Лермонтов любил поострить, даже высмеять кого-нибудь, любил распоряжаться на пикниках, потанцевать. А ведь при его неважном здоровье (как он тянул военную лямку?) ему часто приходилось лечиться на Кавказе горячими серными ваннами.

Лермонтов был не только талантливым поэтом, но и одаренным художником. Много зарисовок сделано Лермонтовым во время его ссылки на Кавказ в 1837 году. Среди них замечательный пейзаж Крестовой горы. "Эта картина рисована поэтом Лермонтовым и подарена им мне при последнем его отъезде на Кавказ..." (Надпись рукою Ф. Одоевского на оборотной стороне картины "Крестовая гора")¹

Литература:

1. Абсава, Г., Бурляев, Н. Кто убил Лермонтова? [Текст]/ Г
2. https://youtu.be/QT_KJOeLME?si=os5s2CFekuY0M05-
3. Shavkatovna, T. M. (2024, June). NUTQ MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK QARASHLAR. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 6, pp. 3-7).
4. Shavkatovna, T. M., & Ruhshona, K. (2024, May). PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON MODERN DEVELOPMENT OF PEDAGOGY AND LINGUISTICS (Vol. 1, No. 5, pp. 17-22).
5. Beknazarovna, Q. O., & Shavkatovna, T. M. (2024). TALABALARNING NUTQIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NUTQ MADANIYATINING O 'ZARO BOG 'LIQ XUSUSIYATLARI MAZMUNI. Science and innovation, 3(Special Issue 18), 952-954.

¹ «В мире Лермонтова: жизнь, творчество, эпоха» Куйбышев, 2014





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7


6. Shavkatovna, T. M. (2023). BO'LAJAK PEDAGOG VA PSIXOBO'LAJAK PEDAGOG VA PSIXOLOGLARDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA KOMMUNIKATIV SIFATLARNING O'RNI LOGLARDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA KOMMUNIKATIV SIFATLARNING O'RNI. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 1(3), 6-8.
7. Shavkatovna, T. M. (2021, June). THE IMAGE OF A BEAST IN THE WORK OF MY MOTHER. In Archive of Conferences (pp. 22-24).
8. Аблаева, Н. К. (2024). ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ЛИТЕРАТУРЫ В СОВРЕМЕННОЙ ШКОЛЕ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(5), 152-156.
9. Аблаева, Н. К. (2024). РОЛЬ ПРИРОДЫ В ДРАМЕ ОСТРОВСКОГО «ГРОЗА». MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS, 8(8), 176-181.
10. Аблаева, Н. К. (2024). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФОЛЬКЛОРНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ В БАЛЛАДЕ В. ЖУКОВСКОГО «СВЕТЛАНА». YANGI O'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(3), 129-132.
11. Аблаева, Н., & Джуманиязова, И. (2024). ВОЗМОЖНОСТИ КОРПУСНОЙ ЛИНГВИСТИКИ В ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО СЛОВООБРАЗОВАНИЯ. «CONTEMPORARY TECHNOLOGIES OF COMPUTATIONAL LINGUISTICS», 2(22.04), 520-524.
12. Аблаева, Н. К. (2024). «В МОЕЙ ВООБРАЗИЛИИ»(ОБЗОР ДЕТСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ БОРИСА ЗАХОДЕРА). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ “MA'MUN SCIENCE”, 2(1).





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7


13. Аблаева, Н. К. (2024). ПРАВСТВЕННО-ФИЛОСОФСКАЯ ПРОБЛЕМА В ТВОРЧЕСТВЕ ЛН Толстого (на примере романа " Война и мир"). JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH, MODERN VIEWS AND INNOVATIONS, 1(1), 24-27.
14. Аблаева, Н. К. (2024). «НАРОДНАЯ ДРАМА» АН ОСТРОВСКОГО «ГРОЗА» В КОНТЕКСТЕ ФОЛЬКЛОРНЫХ И ОБРЯДОВЫХ ТРАДИЦИЙ. YANGI O 'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(3), 24-29.
15. Аблаева, Н. К., & Зулунова, К. К. (2024). ТЕМА" МАЛЕНЬКОГО ЧЕЛОВЕКА" В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ПУШКИНА (" ПОВЕСТИ БЕЛКИНА"). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ "МА'MUN SCIENCE", 2(1).
16. Аблаева, Н. К. (2023). МНОГООБРАЗИЕ ТЕМ В ПОЭЗИИ БАБУРА. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(16), 566-569.
17. Ahmadjonovna, K. M. . (2023). THE ROLE OF SYNTACTIC DEVICES IN INCREASING THE EXPRESSIVENESS OF POETIC SPEECH. Miasto Przyszłości, 38, 133–137
18. Xusanova, M. R. A. (2016). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНДИВИДУАЛЬНОСТИЛИСТИЧЕСКИХ НЕОЛОГИЗМОВ-ПРИЗНАК СТИЛИСТИЧЕСКОГО СВОЕОБРАЗИЯ. Актуальные научные исследования в современном мире, (5-1), 125-130
19. Khasanova, F. (2022). The Formation and Formation of The Chinese Language Baihua as The Basis of The Modern Chinese Language. Sharq Mash'ali, (01), 21-23.





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

20. Ruzikulova, D., & Muminov, D. (2022). INSURANCE TECHNICAL RISKS AND CHALLENGES OF THEIR DEVELOPMENT. *Women's Health Medicine*, 18(1).
21. Ahmadjonovna, K. M. (2024, February). XORIJIY TILNI OSON VA QIZIQARLI O'RGANISH TO'G'ARISIDA. In *Formation and Development of Pedagogical Creativity: International Scientific-Practical Conference (Belgium)* (Vol. 4, pp. 20-23).
22. Khasanova, F. (2020). The Role Of Baihua In Chinese Linguistics. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(10), 97-102.
23. Xusanova, M. (2023). SOMATIK KODLAR TADQIQIGA DOIR. *Farg'ona davlat universiteti*, (1), 163-163.
24. Xalikovna, R. D. (2023). Teaching Vocabulary Through Word Games. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 4(6), 136-144.
25. Ruzikulova, D. X. (2022). THE PERSPECTIVES OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES IN THE MODERN SOCIETY. *International Journal of World Languages*, 2(2).



QURILISH ISHLAB CHIQRISH HAJMIGA INVESTITSIYALAR TA'SIRINI EKONOMETRIK BAHOLASH

R.A. Xurramov

Termiz davlat universiteti o'qituvchisi

B.E. Turayev

Termiz davlat universiteti katta o'qituvchisi, i.f.f.d.

Annotatsiya. Mazkur maqolada qurilish ishlab chiqarish hajmiga investitsiyalar ta'sirining regression tahlili amalga oshirilgan. Avtoregressiya modeli tuzish orqali qisqa va uzoq muddatli istiqboldagi o'zgarishlar haqida xulosalar qilingan.

Kalit so'zlar: model, avtoregressiya, regressiya tenglamasi, Styudent t mezoni, Fisher, instrumental o'zgaruvchi.

Surxondaryo viloyati qurilish ishlab chiqarish hajmiga investitsiyalarning ta'sirini baholash maqsadida 2010-2023 yillarga mo'ljallangan ma'lumotlar www.surxonstat.uz saytidan olindi (1-jadval).

1-jadval

Surxondaryo viloyati qurilish ishlab chiqarish hamda investitsiyalar hajmi ko'rsatkichlari¹

Yillar	<i>y</i>	<i>x</i>	Yillar	<i>y</i>	<i>x</i>
2010	335,9	655,3	2017	1 827,0	3 551,0
2011	470,6	802,9	2018	2 879,7	7 240,6
2012	605,3	980,3	2019	3 979,7	11 835,1
2013	849,5	1 371,0	2020	4 774,7	10 068,2

¹ Surxondaryo viloyati Statistika boshqarmasi www.surxonstat.uz sayti





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

2014	1 051,5	1 509,1	2021	5 868,4	12 037,8
2015	1 351,3	1 843,6	2022	6 521,9	11 569,4
2016	1 554,8	2 142,4	2023	7 353,3	17 956,0

Investitsiyalarning qurilish ishlab chiqarish hajmiga qisqa va uzoq muddatli ta'sirini baholashda avtoregressiya modellari qo'l keladi. $AR(1) + x$ modeli umumiy ko'rinishi quyidagicha:

$$y_t = a + b_0 \cdot x_t + c_1 \cdot y_{t-1} + e_t \tag{1}$$

Ushbu modelni hisoblash uchun dastlab instrumental o'zgaruvchini baholovchi model tuzish talab etiladi:

$$\hat{y}_{t-1} = d_0 + d_1 \cdot x_{t-1} \tag{2}$$

(2) modelni baholash uchun natijaviy hamda omil belgilarning $t - 1$ davr uchun laglarini aniqlashimiz zarur (2-jadval).

2-jadval

Surxondaryo viloyati qurilish ishlab chiqarish va asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmi ko'rsatkichlarning $t - 1$ davrdagi qiymatlari²

Yillar	y_t	x_t	y_{t-1}	x_{t-1}
2010	335,9	655,3	-	-
2011	470,6	802,9	335,9	655,3
2012	605,3	980,3	470,6	802,9
2013	849,5	1 371,0	605,3	980,3
2014	1 051,5	1 509,1	849,5	1 371,0
Шу ўринда П.Друкернинг “Бизнеснинг мақсади истеъмолчиларни вужудга келтириш экан, демак бизнес корхоналарининг иккита асосий: маркетинг ва инновация вазифалари бор. Маркетинг ва инновациялар натижа, қолганлари эса харажат яратади” – деб таъкидлаган фикрини келтиришни ўринли деб ўйлаймиз.

Инновацион маркетинг компаниянинг стратегик режасининг бир бўлаги ҳисобланиб, бир нечта йўналишда ўзини намоён қилиши мумкин. Уларнинг биттаси – мижозларнинг хоҳиш-истакларини олдиндан билиш орқали янги товар ёки хизматни шакллантиришдан иборат.


Шу ўринда автомобиль саноатининг асосчиси Генри Форднинг: “Агарда мен одамлардан нима хоҳлашларини сўраганимда, улар ҳозиргача аравада юришар эди” - деб таъкидлаган сўзларини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Демак, инновациялар хоҳиш-истакларни олдиндан билишни аниқлаётди. Харидор кўп ҳолатда ўзи нима хоҳлаётганини аниқ айтиш қийин. Агарда унга янги маҳсулот ёки хизмат таклиф этилса, у татиб кўриб, унга баҳо бериши мумкин. Бу инновацион маркетингнинг асосий принципларидан бири бўлиб хизмат қилади: янги товарни яратиш ёки ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш, пировард натижада сифатли янги маҳсулотга эга бўлишидан иборат.

Инновацион маркетинг янги бозор, тоқчалар ва сегментларни қидириш билан боғлиқдир. Маҳсулот харидорларнинг хоҳлаган барча томонларга эга бўлиши шарт эмас, аммо, ҳеч бўлмаганда мақсадли мижозларга зарурий антиқа товарга эга бўлганда у муваффақиятга эришиши мумкин.

Анъанавий маркетингда маҳсулотни бозорга чиқариш, такомиллаштириш, мижозларнинг эҳтиёжини қондириш ва шунга яраша маркетинг тадқиқотларини олиб бориш маркетинг бўлими ёки корхона маркетинг томонидан олиб борилади деган фикр мавжуд. Бу албатта нотўғри фикр. Инновацион гуруҳларга компаниянинг бошқа соҳадаги мутахассислари, яъни, менежерлар, технологлар, инженерлар иштироки муҳим роль ўйнайди.

Швециялик корпоратив брендинг масалалари бўйича етакчи мутахассис Матс Урде ўзининг “Построение корпоративного бренда, основанного на ключевых ценностях” мақоласида брендинг ривожланиши рақобатбардошлиқда стратегик қарорларидан бири тарихида қаралиб, бренд нафақат ташкилотнинг қадриятини, балки мақсадли мижозлар гуруҳларининг манфаатини ҳам инобатга олиш керак деб ёзган.





Ҳақиқатдан ҳам, бренднинг мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги учта кадриятлар инобатга олиниши керак:

- компания билан боғлиқ кадриятлар;
- бренднинг моҳияти билан боғлиқ кадриятлар;
- истеъмолчиларнинг бренддан бўлган таассуроти.


Бу уччала иқтисодий категория ўзи билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, асосий кадриятларнинг ривожланиши бренднинг ривожланишини таъминлаб беради. Ушбу принцип барча инновацион маҳсулот ёки хизмат ишлаб чиқиш асосида ётиши керак.

Инновацион маҳсулотнинг бозордаги муваффақияти комплекс вазифаларни бажариш орқали таъминланади. Маркетинг вазифаси мақсадли бозорнинг маҳсулот ҳақида, уни харид қилиш жойи ва ишлаб чиқарувчи ҳақидаги маълумотни етказиб бериш билан боғлиқдир. Ушбу, вазифа самарали маркетинг коммуникациясининг мавжудлиги билан узвий равишда боғлиқ.

Хулоса (Conclusion). Маркетингдаги инновацион технологиялар бизнес учун катта имкониятлар яратади. Уларнинг самарали қўлланилиши компанияларга рақобатбардошликни ошириш ва мижозлар эҳтиёжларини яхшироқ қондириш имконини беради. Бундан ташқари, бундай технологияларнинг тўғри ва масъулиятли қўлланилиши компанияларнинг узоқ муддатли муваффақиятига ҳисса қўшади.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурий энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2017-йил 15-январь.
2. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастури. // Деловой партнер.uz, № 9-15-февраль, 2017 й.
3. Форд Г. Моя жизнь: успехи и достижения: -М.: Альфа-Пресс, 2000. 286 с.





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

4. Матс Урде. Посторение корпоративного бренда, основанного на ключевых ценностях. // www.marketing.research.
5. www.stat.uz.
6. Oslo Manual Guidelines for Collecting and Interpreting Innovation Data Third edition A joint publication of OECD and Eurostat OECD 2005.
7. Иваницкая Анна Евгеньевна, Функциональный подход к управлению инновационной деятельностью предприятий, Ярославль, 2014.
8. Niraj Dawar, When Marketing Is Strategy, Harvard Business Review Press, 2013.
9. P.F. Drucker, 2007, Management: tasks, responsibilities, practices, Transaction Publishers, New Brunswick, N.J.; London.





ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ

Термиз Давлат университети Ижтимоий фанлар факултети Психология
кафедраси доценти

Джураев Ташпулат Сахиевич

*Калит сўзлар: таълим, психологик хизмат, самарадорликни таъминлаш,
Психологлар жамияти, психотерапевтик хизмат,*

Таълим соҳасини бошқаришда психологик хизмат самарадорлигини таъминлаш муаммолари

Бугунги глобаллашув жараёнида дунёнинг барча мамлакатларида ёшлар тарбиясига ва уларнинг ижтимоий тараққиётига жиддийроқ эътибор бериш масаласига бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда, чунки кичик мактаб ёши ёки ўсмирлик даври ҳар бир боланинг бутун умри давомидаги ўзига хос ижтимоий фундамент вазифасини ўтайди. Ушбу тамойилнинг қанчалик мустаҳкамлиги боланинг индивидуал ва интеллектуал тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Бу жараённинг муваффақиятли тарзда амалга ошишини мактабдаги психологик хизмат амалиётисиз амалга ошириб бўлмайди.

Ижтимоий муносабатлар тизимида энг катта ва аҳамиятга эга тармоқ таълим соҳаси ҳисобланади. Бу мактабгача ва умумий ўрта таълим, олий таълимни қамраб олади. Мазкур тармоқни бошқариш, унга психологик хизмат кўрсатиш ўзига хос мураккаб жараёндир. Бу психологлардан алоҳида диққат, эътибор ва масъулият талаб қилади. Агар аҳолининг 65 фоизга яқинини ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этишини ҳисобга олсак, 18 ёшгача бўлганлар 22 фоизини ташкил қилади. Буларнинг тахминан 17-18 фоизи таълим соҳасига жалб қилинган.(боғчадаги болаларни ҳам ҳисоблаганда). Демак, таълим соҳаси ўта масъулиятли тармоқ ҳисобланади. Уларда психологик хизмат кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнидаги иш фаолиятларида психологлар қуйидагиларга эътиборни қаратишлари лозим:





1. Психолог ҳал қиладиган масалаларга фақат психологик усуллар билан ечилиши мумкин бўлган меҳнат шароити, ижтимоий муносабатлар ва ўқувчилар, педагог ходимларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ муаммолар киради.

2. Психологнинг мақсади умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчилар, ўқитувчилар учун қулай психологик муҳитни яратишдан иборат. Яъни ўқувчилар, ўқитувчилар билан маъмурият ўртасидаги зиддиятли ҳолатларда умумий манфаатлар билан шахсий манфаат ўртасидаги мувозанатни сақлаши лозим. Психологнинг вазифаси таълим муассасасидаги ўқиш, меҳнат, ижодий самарали бўлиши учун имкони бўлган ҳамма нарсани қилишдан иборат.

3. Психологнинг асосий мажбурияти жамоага амалий ёрдам кўрсатишдир. Шу мақсад йўлида у пайдо бўладиган муаммоларни энг яхши кўринишда ҳал қилишга имкон берадиган маъмурият ва бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилиши лозим.

4. Психологлар ўқувчилар ва ўқитувчиларда тест ўтказишдан аввал уларга натижалар таълим муассасаси раҳбариятига хабар қилинишини айтишлари шарт. Янги ходимларни ишга қабул қилишда, ўқувчиларни ўқишга қабул қилишда касбга лаёқатлилигини, қизиқишларини текширишда мақсадини айтиб розиликларини олиши керак.

5. Таълим муассасаси янги қабул қилинаётган ходим ва ўқувчини касбий лаёқатлилиги бўйича йўллаганда психолог ўз фаолиятини сидқидилдан бажариши лозим.

6. Психолог тестлар ва тадқиқот материалларини бошқа кишилар қўлига тушиб қолмаслигига масъул бўлиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндошув зарурлиги ҳамма томондан тан олинган, лекин ундан амалда кам фойдаланилади. Бунга мактабда ўқитувчиларнинг бола ҳақида кўп гапиришлари далил бўлади. Чунки мактабда ўқувчининг қобилиятлари, шахснинг асосий хислатлари ҳақида чуқур ва ҳар томонлама маълумот берадиган мутахассис деярли йўқ. Таълим-тарбиядаги индивидуал ёндашув, болани бошқалардан ажратиб алоҳида ўқитишни билдирмайди, балки шахснинг у ёки бу хислатларининг шаклланишида махсус шароитларни ҳисобга олиш, ҳар





бир ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларини илмий асосда тушунишни англатади.

муассасаларида психологик хизмат амалиёти талаблари


Таълимнинг муваффақияти ташкил этилган ўқув фаолиятининг ҳар бир ўқувчи шахсига, унинг ижтимоий тараққиётига кўшган ҳиссаси билан белгиланади. Бу масъулиятли вазифани, айниқса, бугунги кунда психологик хизматсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, болаларни мактаб таълимига тайёрлашда, ўқув топшириқларини такомиллаштиришда, ўқувчиларни у ёки бу касбга йўналтиришдаги ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларини ва қизиқишларини аниқлашда психолог хизмати муҳимдир.

Уларнинг ўз-ўзини англашларида, ўқув жараёни, ўқувчилар жамоаси, ўқувчи-ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф этиш йўлларини излашдаги психолог олимларнинг бугунги ютуқлари ҳақида етарли далиллар мавжуд.

Масалан, И.В.Дубровина, Л.И.Божович Д.И.Фельдштейннинг мактаб ёшидагиларга қаратилган қатор илмий-тадқиқий кўрсатмалари мавжуд. Миллий психологияда Эргаш Ғозиевич Ғозиевнинг таълим муассасаларидаги психологик хизмат вазифаларини қайд этишга бағишланган кўрсатмалари, Муҳаммад Галимович Давлетшиннинг Ўзбекистондаги психологик хизматнинг вазифаларини талқин қилиши, Ғайрат Баҳромович Шоумаровнинг халқ таълими тизимида психологик хизматнинг жорий этилиши билан боғлиқ фикрлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Умумтаълим мактабларида ташкил этилган психологик хизмат тизими учун мўлжалланган “Психологик хизмат Низоми”га киритилган барча вазифаларни маълум маънода мактаб ўқувчисининг психологик ҳимояланишини шакллантиришга қаратилган вазифалар сифатида талқин қилиш мумкин.

Мактаб амалиётчи психологлари ўқувчи фаолиятидаги ижтимоий-психологик муҳофазани такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар амалга оширилади.





Мактаб амалиётчи психологлари фаолияти муайян талаб асосида ишлаб чиқилган тегишли йўл-йўриқлар, кўрсатмалар ва илмий-амалий тавсиялар асосида ташкил этилади.

Юқорида такидланганидек, мактабга психологик хизмат амалиёти турли давлатларда турлича шаклда ташкил этилганлиги билан характерлидир.

Ҳар бир давлат ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб психологик хизмат амалиёти механизмини йўлга қўяди. Шундай бўлса-да, мазмунан ушбу жараёнга ёндашув мезони бир хил. У ҳам бўлса ўқувчилар билан тизимли тарзда олиб бориладиган психопрофилактик, психодиагностик, психокоррекцион ва психоконсультатив ишлар кўламининг мавжудлигидир.


Умумтаълим мактабларида психологик хизматнинг ташкил этилиши унинг мазмуни ва асосий вазифалари ҳақида Халқ таълими вазирлиги томонидан чоп этилган “Психологик хизмат Низоми”да батафсил кўрсатмалар берилган. Ушбу кўрсатма ва тавсиялар асосида бугунги кунда мактабда психологик хизмат амалиёти олиб борилмоқда (мазкур “Низом”га қаралсин).

Ҳар қандай психологик хизмат у ёки бу ўқувчидаги психологик захираларни ўрганиб, уни таълим ва тарбия самарадорлигини таъминлашга йўналтира олиши лозим. Шунингдек, психологик хизмат болалардаги иқтидор куртакларини олдиндан англаб, уни ривожлантириш йўллари кўрсатиб бера олиши керак бўлади.

Мактаб психологи ҳар бир ёш даври ва унинг ўзига хос психологик имкониятлари, қийинчиликлари, муаммолари ва истикболлари ҳақида ҳам тўғри фикрлай олиши зарур.

Болаларни психологик ва интеллектуал тайёргарлиги асосида мактабга қабул қилиш муаммоси

Муайян психологик таҳлилларга асосланиб, айтиш мумкинки, етти ёшга кирган барча болаларни ёппасига мактабга қабул қилиш анъанага айланиб бормоқда. Психологлар эса ҳеч қачон бунга йўл қўймаган бўлар эдилар. Сабаби: ҳар бир бола ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўзига хос индивидуал имкониятларга эга. Баъзи болалар олти, етти, ҳатто саккиз ёшга тўлсалар-да





мактаб таълимини бошқа ўз тенгдошлари қатори ўзлаштиришга ҳали тайёр бўлмайдилар. Биз эса уларни мактаб режасига қараб, баъзан ота-онасининг хоҳишига қараб мактабга қабул қилаверамиз, таълимий машғулотларда эса болани мажбурлаб ўқитамиз. Натижада, бола психик жиҳатдан турли касалликларга йўлиқиб, кейинги ўқув фаолияти босқичларида муваффақиятсизликларга учраши мумкин. Бу эса боланинг ақлий ва интеллектуал жиҳатдан табиий ривожланиш илдизига атайлаб болта уриш демакдир. Бундай ҳолатларга зудлик билан барҳам бериш, яъни ҳар бир мактаб таълимига илк бор қадам қўйган болани махсус ва мукаммал ишлаб чиқилган психологик тестлардан ўтказиш ва унинг натижалари асосидагина болани мактабга қабул қилиш ҳақида жиддийроқ ва ўта масъулият билан ўйлашга тўғри келади. Бундай тестлар ёрдамида ривожланган мамлакатлар –Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германияда баъзи болалар 9 ёки 10 ёшдан, баъзилари эса ҳатто 4 ёки 5 ёшдан ҳам мактабга қабул қилинади ва тегишли шароитлар яратилгач, таълим жараёнида бундай болаларнинг барча шахсий ва рухий имкониятларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун замин ҳозирланади.


Психологнинг психопрофилактик ишлари

Психологик хизмат жараёнида диагностик-ривожлантирувчи йўналишлар ўзаро уйғунликда олиб борилади. Таниқли психолог олим Д.Б.Эльконин таъбири билан айтганда, болаларни танлаш учун, аниқланган четлашишларни тузатиш мақсадида психик тараққиётни назорат қилишга йўналтирилган махсус ташхис зарур бўлади. Амалиётчи психолог фақатгина ташхис қўйиш билан чекланмасдан кейинги ривожланиш дастурини ишлаб чиқади, ўзи берган тавсияларнинг бажарилишини назорат қилади, коррекцион ва ривожлантирувчи ишлар кўламини белгилайди.

Психопрофилактикада уч босқич алоҳида ажратиб кўрсатилади:

Биринчи босқич дастлабки профилактика, деб аталади. Бу босқичда психолог соғ болалар билан ишлайди ёки мактабдаги барча ўқувчиларни қамраб олади.

Иккинчи босқич профилактика муаммолари мавжуд болаларга қаратилади. Унинг мақсади ўқишдаги ва хулқ- атвордаги қийинчиликларни иложи борича эрта аниқлаб, уларни йўқотишдан иборатдир. Иккинчи босқичда ота-оналар ва ўқитувчиларга тегишли психологик маслаҳатлар берилади.





Учинчи босқич. Психолог ўқишдаги ва хулқ-атвордаги яққол кўриниб турадиган муаммолари бор болаларга ўз диққатини қаратади. Профилактиканинг дастлабки мақсади жиддий психологик қийинчиликларни, муаммоларни йўқотиш ва тузатишдан иборат. Психолог олдида келган бола билан алоҳида ишлайди. Мактаб психологининг асосий кучи учинчи босқичга, яъни «тарбияси қийин» болаларга қаратилади. **Психодиагностик ишлар қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилади**

Диагностика учун маълумотларни олиш. Бунда бола психик ҳолати ва шахси хусусиятлари баъзи белгиларининг кўринишларини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқотда олинган маълумотлар ёрдамчи характерга эга бўлиб ундан бола хулқ-атворининг ҳақиқий кузатилган хусусиятлари, унинг психик функциялари, тараққиёт даражаси билан таққослашда фойдаланилади. Масалан, дарсда ўқувчи диққатининг барқарор эмаслиги, диққатини бир жойга тўплашга қийналиши, ақлий иш қобилиятининг пастлиги, тез чалғиши ва бошқалар билан ажралиб туради. Лекин хулқ-атворнинг кўрсатилган белгилари бола хулқ-атвори эҳтиёжлари ва мотивлари иерархиясининг (босқичма-босқич) ўзгариши натижаси бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам у ёки бу ўқувчи ўзлаштириши ва интизомнинг пасайиши ташқаридан сезилса-да, психодиагностик тадқиқот-ларда ўрганилаётган ўзгаришлар манбаалари, ривожланиши ва келгусида қандай бўлиши, психологик ҳолат белгилари ҳам ўрганилади.

Психодиагностик тадқиқотлар бола психик функциялари ривожланиш даражасининг, ақлий тараққиёт даражаси билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун ҳам ўтказилади. Бу тадқиқотлар болада қизиқишлар, амалий малакалар ва касб танлаш пайти келганда жуда муҳимдир.

Психик тараққиёт ўзгаришини ўрганиш учун зарур маълумотларни тўплаш. Агар «кўндаланг кесим» методлари орқали психодиагностик тадқиқот босқичида бола психик тараққиёти даражасини, яъни психик функциялар ривожланишга дахлдор долзарб ҳудуд аниқланадиган бўлса, «узунасига кесим» (лонгитюд) психодиагностик тадқиқотларда бола психик ҳаёти тараққиёти хусусиятлари ривожланишида, яъни таълим ва тарбия жараёнида ўрганилади.

Психологнинг ривожлантирувчи ва коррекцион ишлари






Психологик хизматнинг ушбу йўналиши психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жарёнида фаол иштирок этишни тақозо қилади. Психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда улардаги жадал ривожланишни ҳисобга олувчи, улар психикасининг барча жабҳаларини қамраб олувчи динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун фаолиятини йўналтиради, ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи, умуминсоний, этнопсихологик хусусиятлар муҳитида камолотга интилувчи шахсни таркиб топтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, у ўқувчиларнинг психик тараққиётидаги, хулқ- атвор муомаласидаги нуқсонлар ҳамда камчиликларни аста-секин тузатиш, коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқади ва уни амалиётга татбиқ этади. Бунинг учун улар билан махсус машғулотлар ўтказишади, ижодий қобилиятларни ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради. Бунда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гуруҳининг қадриятга йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданий хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

Психологнинг маслаҳат бериш фаолияти

Психолог маслаҳати жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- 1.Ўқувчи таълим-тарбияси билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан, маъмурият, ўқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар, ижтимоий ва жамоатчилик ташкилотлари, ходимларига тегишли психологик билимлар доирасида маслаҳатлар бериш.
- 2.Таълим, тараққиёт, тарбия, касб танлаш ва турмуш қуриш, ўзаро муносабат, муомала ва мулоқот сирлари, тенгдошлар ва вояга етмаганлар муносабати, қобилият, иқтидор муаммолари юзасидан индивидуал, гуруҳий, жамоавий тарзда маслаҳатлар уюштириш.
- 3.Маъмуриятга болаларнинг психик ўсиши хусусиятларига оид маълумотлар бериши, ўғил ва қизларни асраб олиш, оналик ва оталиқдан маҳрум қилиш, ташкилотларни ғамхўрлик ва васийлик тўғрисидаги қабул қилган қарорларига муносабат билдириш.
- 4.Ота-оналарга боланинг психик ривожланиши хусусиятлари, шахс сифатида шаклланиши, ўзаро муносабат мақомлари, бунда фарзандларнинг ёши, жинси,





индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бўйича илмий-амалий маслаҳатлар бериш.

5. Ота-оналар билан ўқувчини мактабга қабул қилиш ва касб танлаш масалалари бўйича индивидуал ва гуруҳий суҳбатлар уюштириш ва уларга тегишли маслаҳатлар бериш.

Демак, мактаб амалиёти психологлари ўқувчилар билан бевосита алоқада уларда вужудга келган муаммоларни ҳал қиладилар. Бу *“тўғридан тўғри маслаҳат бериш”* деб аталади. Баъзан ўқувчиларга ва ота-оналарга ўқитувчиларнинг у ёки бу муаммолари бўйича маслаҳат беради, бу бавосита маслаҳат беришдир, бунда қоидаларга амал қилишга тўғри келади. Маслаҳат бериш марказида ҳар доим психолог ва маслаҳат берилаётган шахснинг ўзаро таъсир жараёни, улар орасида ишончли ўзаро муносабатни ўрнатиш ётади. Бунда психолог – маслаҳат берувчи, ўқитувчи, ота-она – маслаҳат берилувчи, ўқувчи миждоз ролида бўлади.

Психолог аниқ йўналтирилган маслаҳат жараёнида бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргаликда психик ривожланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал диагностикани амалга оширади. Нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлайди. Ассоциал хулқ-атвор сабабларини ва шаклларини белгилайди. Гиёҳвандлик ва таксикоманлик, алкоголизм, ўғрилиқ, дайдилиқнинг ижтимоий психологик илдишларини текширади, омилларни таҳлил қиладди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда умумтаълим мактабларида олиб борилаётган психологик хизмат амалиёти ўз мазмуни ва илмий аҳамияти жиҳатдан тобора ривожланиб бормоқда. Бу ҳар бир умумтаълим мактабида фаолият юритувчи амалиётчи психологлар зиммасига янада юксакроқ масъулиятларни юклайди.





ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИ БОШҚАРИШ

Термиз Давлат университети Ижтимоий фанлар факултети Психология кафедраси
доценти

Джураев Ташпулат Сахиевич

Калит сўзлар: *олий таълим, психологик хизмат, ўқитувчи талаба ҳамкорлиги, ўқитувчи ва раҳбармуносабатлари*

Олий таълим тизимида психологик хизмат амалиёти

Ҳозирги даврда психологик хизматни ташкил қилишнинг турли шакл ва воситалари ижтимоий турмушга татбиқ қилинмоқда: мактаб психологик фаолияти, руҳий касалликлар шифохоналари ва неврологик марказлар ходимлари хизмати, оила психотерапияси, ижтимоий психологик вазифалари, психологик экспертиза, оммавий даволаниш масканларида психологик ёрдам, суд жараёнидаги психологик ҳолатни кузатиш, меҳнат тузатиш колониялари ва ёрдамчи мактабларда психологик хизматни амалга ошириш ва бошқалар.

Ана шулар қаторида Олий таълим муассасаларида психологик хизматни жорий этиш ва уни бошқариш алоҳида аҳамият касб этади. Олий таълим муассасаларида психологик хизматни уюштириш бўйича Қозон, Санкт Петербург, Болтиқ бўйи мамлакатлари университетларида айрим тажрибалар тўпланган.

Республикамизда эса таниқли психолог олим Эргаш Ғозиевич Ғозиев томонидан олий таълим муассасаларида психологик хизмат амалиёти билан боғлиқ кўпгина илмий ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб. Ушбу ишланмалардан айримларини қайд этиб ўтамиз:

Олий таълим муассасаларида психологик хизматни жорий этиш ва уни бошқариш:

- раҳбар кадрларнинг касбга яроғлилигини илмий асосда текшириш ва аниқ тавсия бериш;





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

- буйрук, хужжат ва иш юритиш фаолиятини таҳлилдан ўтказиш, мақсадга мувофиқлиги ёки номуносиблигини далиллаб муайян қарорга келиш;
- ўқитувчилар ва ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш бўйича илмий-амалий психологик тавсияномалар ишлаб чиқиш;
- ёш ходимларнинг адаптация (синов) муддатини ўрганиш ва амалий кўрсатмалар бериш;
- университет жамоасидаги шахслараро муносабат ва психологик муҳитни тадқиқ этиш ҳамда олинган натижаларни умумлаштириш;
- сайлов, танловолди компаниялари бўйича прогноз қилиш, илмий фараз яратиш, олдиндан башорат қилиб, психологик ҳолатдан маъмуриятни огоҳ этиш;
- олий мактабда фаолият кўрсатаётган барча ходимларни (техникдан тортиб, то профессор тизимигача) аттестациядан ўтказишда фаол иштирок қилиш;
- абитуриентларни қабул қилиш мавсумида бевосита иштирок қилиш, синов материалларини психологик нуқтаи назардан таҳлил этиш, талабга жавоб бера олишлиги ёки бера олмаслигини олдинроқ қабул ҳайъати аъзолорига, предмет комиссияси раисига етказиш;
- таянч докторантура ва мустақил илмий тадқиқотчилик тизимида фаолият юритаётган илмий ходимларнинг интеллектуал имконияти, савия, тайёргарлик даражасини аниқлашда иштирок қилиб, оқилона қарорга келишда раҳбарларга ёрдам бериш;
- профессор ўқитувчилар ва талабарни чет эл сафарига танловида қатнашиш ва уларнинг етуклик даражасини илмий асосда далиллаб кўрсатиш;
- ёш мутухассислар билан алоқа ўрнатиш ва уларни бевосита назорат остига олишга кўмаклашиш;
- ижтимоий талаб ва буюртмалар юзасидан социал психологнинг ахборот тўплаши ва уларни қайта ишлаш;
- олий мактаб тўғрисидаги таассурот ва миш-мишларга оид материаллар тўплаш ва уларни тартибга келтириб, бу ҳолатдан маъмуриятни огоҳ қилиш;
- чет эллик ходимлар ва талабалар билан ишлаш фаолияти билан танишиш, узлуксиз амалий тавсиялар бериб бориш,





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

- олий мактаб илмий салоҳиятини ўрганиш ва улардан мақсадга мувофиқ, тўғри фойдаланиш бўйича ректоратга тавсиянома бериш,
- таълим-тарбия самарадорлигини ошириш муаммолари билан шуғулланиш;
- кадрлар малакасини ошириш муаммосини ҳал қилишда иштирок этиш ва аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш;
- илм-фан ривожини таъминлаш фаолияти ва жараёнида маслаҳатчи сифатида қатнашиш;
- ўқув қўлланмалари юзасидан китобхонлар қарашларини ўрганиш ва уларнинг билим сифатини ошириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш;
- китобхонлик, мустақил фаолият, кутубхона ўртасидаги узвий боғлиқликни текшириш;
- олий мактаб ходимлари, ўқитувчилари ва талабалари билан халқ мулкини асраш ва ундан фойдаланишни ўрганишда ҳамкорликда бўлиш;
- ётоқхоналарда ёшлар билан ишлашнинг социалпсихологик хусусиятларини ўрганиш ва уларни талаб, эҳтиёж, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда муаян тадбирчоралар ишлаб чиқиш;
- олий мактаб аъзоларида экологик билим даражасини текшириш ва бойитиш;
- мустақилликни мустаҳкамлаш ва Ватан мудофаасига тайёргарлик даражсини аниқлаш, юксак ҳис-туйғуларни шакллантиришга зарур шарт-шароитлар яратишда фаол иштирок қилиш.

Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлиги — таълим самарадорлигининг муҳим омили

Олий таълим муассасаларида ҳамкорликдаги фаолиятнинг шаклланиши, унинг ижтимоий-психологик жиҳатини ташкил қилиш, ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан, ўқув фаолиятини ташкил қилувчи таркибий қисмларини ўрганиш сўнгги ўн йилларда амалга оширила бошланди.

Б.Ф.Ломов шахс фаолиятини таҳлил этишнинг умумий психологияда қабул қилинган тузилмасини кўриб чиқиб, бу фаолиятни бажарувчи шахснинг бошқа шахслар билан ҳамкорлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлаб ўтади. Якка шахс фаолиятининг психологик таҳлили фаолият субъектиинг бошқа одамлар билан алоқасини мавҳумлаштиради. «Лекин бу мавҳумлаштириш» ниҳоятда





муҳимлигидан қатъи назар, ўрганилаётган ҳодисаларни бир томонлама ёритиш имконини беради.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига доир тадқиқотларда, асосий эътибор ўзаро муносабатнинг ривожланишини ўрганишга қаратилади, ўқитишни гуруҳли ташкил қилиш жараёни баён қилинади.

А.В.Петровский жамоадаги шахслараро муносабатлар фаолиятдан келиб чиқишини ўрганиб, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш фақат уларни мулоқотга эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам воситаси эканлигини таъкидлаган эди.

Юқоридаги фикрларга қарамай ўзлаштиришнинг турли босқичларида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг турлича ҳамкорлиги қандай уюштирилиши масаласи ҳал бўлган эмас. Бинобарин, ўқитувчида ўқув фаолиятини ҳамкорлик асосида ташкил қилиш кўникмалари йўқлиги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим омили ва талабаларнинг ўзаро муносабати хусусиятини белгиловчи асос ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигининг шакллари дир. Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти ўқитувчи ва талаба муносабатларининг ва биргаликдаги ҳаттиҳаракатларининг алоҳида туридирки, у ўзлаштириш объектини, билиш фаолиятининг барча қисмларини қайта кўришни таъминлайди.

Ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг мақсади ўзлаштириладиган фаолият ва биргаликдаги ҳаракатлар, муносабат ва мулоқотнинг бошқариш механизмини яратишдир. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг маҳсули талабалар мустақил ҳолда илгари сурган янги ғоялар ва ўзлаштирилаётган фаолиятнинг моҳиятига боғлиқ мақсадлар ва шерикликда шахс позициясини бошқариш истакларининг юзага келишидир.

Ҳамкорликдаги фаолият усули деганда, ўқитувчи билан талабанинг биргаликдаги ҳаттиҳаракатларининг тизимини тушуниш керак. Бундай ҳатти ҳаракатлар ўқитувчининг талабага кўрсатадиган ёрдамидан бошланади; талабаларнинг фаоллиги аста-секин ўсиб бориб, бутунлай уларнинг ўзи бошқарадиган амалий ва ақлий ҳаракатига айланади:





ўқитувчи билан талаба ўртасидаги муносабат эса шериклик хусусиятига эга бўлади.

Психология фанида ҳамкорликнинг саккизта шакли мавжуд, улар куйидагилардан иборатдир:

- 1) фаолиятга кириш;
- 2) мустақил ҳаракатлар (ўқитувчи билан талаба ҳамкорликда бажарадилар);
- 3) ўқитувчи ҳаракатни бошлаб беради ва унга талабани жалб этади;
- 4) тақлид ҳаракатлари (ўқитувчидан ибрат олган талаба ана шу намуна асосида ҳаракат қилади);
- 5) мадад ҳаракатлари (ўқитувчи талабага оралиқ мақсадни ва унга эришиш усуллари танлашда ёрдам беради ҳамда охириги натижани назорат қилади);
- 6) ўзини ўзи бошқариш ҳаракатлари (ўқитувчи умумий мақсадни кўрсатишда ва охириги натижани баҳолашда иштирок этади);
- 7) ўзини ўзи ўзгартирувчи ҳаракатлар;
- 8) ўзини уюштирувчи ҳаракатлар.

Ҳамкорликдаги фаолият усуллари биргаликдаги хатти-ҳаракатлар шаклида намоён бўлиб, унга мулоқот даврлари каби мазкур фаолиятнинг оддий бирликлари деб қараш мумкин. Биргаликдаги ҳаракат даври кўйиладиган ушбу алмашувни ўз ичига олади: ўқитувчи ҳаракат бошлайди, талаба уни давом эттиради ёки тугаллайди.

Олий таълим муаассасаларида ҳамкорликдаги фаолиятнинг хусусиятларини ўрганиш ва тажрибаларда синаб кўришнинг асосий мақсади талабаларнинг билимларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларининг сабабларини ва манбаларини тадқиқ этиш ҳамда таълим жараёнида ёки ҳамкорликдаги фаолият билимларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларини аниқлашдан иборатдир.

Ушбу мулоҳазалар Э.Ғозиев асарларида ўз ифодасини топган. В.Я.Ляудис ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолияти ўрганилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган тадқиқотларда ҳамкорлик фаолияти учта ўзаро боғлиқ фазадан иборат эканлиги кўрсатилган, жумладан, биринчи фаза —





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

«фаолиятни эгаллаш» деб номланган бўлиб, у ўз ичига қуйидаги ҳамкорлик шакллари қамраб олгандир:

1) ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги биргаликда амалга ошадиган ҳаракатларни туркумларга ажратувчи тизим;

2) талабаларнинг ўқитувчи фаолиятига тақлид қилишга асосланган ҳаракатлари йиғиндиси;

3) талабалар томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳаракатлар мажмуаси; ҳамкорлик фаолиятининг иккинчи фазаси — талабаларнинг ўқитувчи фаолиятига мувофиқлаштирилган ҳамкорлик ҳаракатлари мажмуаси;

4) талабанинг ўз-ўзини бошқарувчи ҳаракатлари тизими;

5) талабаларнинг ўз-ўзини қўзғатувчи хатти-ҳаракатлари (ҳаракатга ундовчи омиллар) ва бошқалар.

Ҳамкорлик фаолиятининг учинчи фазаси — ҳамкорлик фаолиятидан янги бир тараққиёт босқичига кўтарилиш, такомиллашишда, шунингдек, ўқитувчи билан талаба ҳамкорлиги шериклик даражасига ўсиб ўтишида ўз ифодасини топади.

Э.Ғозиев томонидан берилган талқинларда жуда кам тадқиқ этилган фаза — бу учинчи фаза ҳисобланади. Лекин айрим тадқиқотларда шерикликни амалга ошириш тўғрисида мулоҳаза юритилган бўлса-да, бироқ унинг туб моҳияти ўзига хос хусусиятлари, босқичлари, манбалари, психологик механизмлари тўғрисида тугал фикрлар билдирилмаган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, қуйида гипотетик хусусиятга эга бўлган муаммоли ҳолатларни ўртага ташлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш ва уни қайта қуриш жараёни бир қатор қонуният тарзидаги ва ўзига хос психологик хусусиятлар тариқасидаги ҳолатлар, механизмлар, алоқалар шаклида намоён бўлиши мумкин. **Жумладан, ўқитувчининг ҳамкорлик фаолиятини юксак даражада бошқариш пайтида талабаларда фан асосларини эгаллаш, амалий кўникмаларни ўзлаштириш бирмунча енгил кўчади.**

Шунингдек, ўқув фаолиятининг операционал предметли жабҳасини уюштириш, идора қилиш, уни қайта қуриш қуйидаги тартибда намоён бўлиши мумкин:

а) шахслилик ҳаракатлари;





б) фаолиятга йўналтирилган қидирув ҳаракатлари;
в) билишга оид ориентир ҳаракатлар, ҳаракатнинг назорат коррекцион тизими кабилар муайян давргача талабаларни ҳамкорлик фаолиятининг маъновий, ташкилий жараёнига тааллуқли ҳамкорликнинг таркибий қисмларини бошқариш функциясини бажариб туради. Бу борада ҳаракатнинг ижтимоий-ташкилий, мотивацион-маъновий, предметли ташкилий қисмлари фаол иштирок қилади ҳамда ҳамкорлик фаолиятининг маҳсулдор бўлишига таъсир ўтказди. Иккинчидан, ўқитувчининг талабаларга тавсия қилинган, мўлжалланган, гоҳо синаб кўрилган ҳамкорлик ўқув фаолияти шаклларида аста-секин ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида ўз-ўзини бошқаришга, яъни рефлексив фаолият даражасига ўсиб ўтиш жараёни юзага келади.

Ҳамкорликдаги фаолият натижасида унинг иштирокчилари, субъектлари шахсий позициясини илгари суришда, ҳамкорлик қатнашчиси тариқасида ўз ўрнини топиш учун интилишда динамик ҳолат кўзга ташланиши мумкин. Қатнашувчилар ҳамкорлик фаолиятини шунчаки диалогик иштирокчиси ролдан унинг тенг ҳуқуқли, реал позицияга эга бўлган муомала, муносабат, фаолият субъектига айланади.

Ҳамкорлик фаолиятида талаба билан ўқитувчининг ўзаро таъсирини (интерактивлик) баҳолашнинг дивергентлик негизидан конвергентлик позициясига ўтиши кузатилади. Ҳамкорлик фаолиятини такомил босқичига ўтиш жараёнида ўзаро ўтказиш ҳаракатини баҳолашдан ўз-ўзини баҳолаш даражасига кўтарилиши содир бўлади. Ушбу жараён ҳамкорлик динамикасидан далолат берадиган энг муҳим омиллардан бири вазифасини ўтайди.

Тажрибада олинган натижаларни психологик сифат жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамкорлик фаолиятини бошқариш (ўқитувчи, ўқитувчи билан талабалар, талабаларнинг ўзаро бошқаруви) босқичлари ва уларнинг хусусиятлари, иштирокчиларни идора қилиш имкониятлари, уларни бошқариш улуши турличадир.

Айни пайтда, олий таълим муаассасаларидаги психологик хизмат жараёнида Люшер, Спилбергер-Ханин шкалалари, Фидлер методикаси, В.Я.Ляудис ва бошқаларнинг диагностик методикалари ёрдамида олинган натижалар гуруҳларни тузиш, улар ўртасида ҳамкорлик жорий қилишда





талабаларда безовталаниш, ўз-ўзини бошқариш, гуруҳдаги психологик муҳит ва шахслараро муносабат хусусиятлари, хоссалари, негизлари механизмлари, ҳамкорлик субъектларига таъсир ўтказувчи объектив ва субъектив омилларни очиб беришга хизмат қилади.

Олий таълим муаассасалари самарадорлигини оширишда, ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишда талабаларнинг ақлий имкониятлари, захиралари, умумий савияси, билимларни ўзлаштириш даражаси, ўқишга муносабати, ўз-ўзини бошқариш даражасини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Талабаларда учрайдиган ижтимоий-психологик, билишга оид касбий қийинчиликларнинг олдини олиш учун таъкидлаб ўтилган мезонларни аниқлаш кўзлаган мақсадни амалга ошириш сари етаклайди. Чунки ўқитувчи билан талабаларнинг ҳамкорлик фаолияти кўлами қанча кенг бўлса, билимларни ўзлаштириш даражаси шунчалик юқори, ўз-ўзини бошқариш эса пухта эгалланган бўлади. Ўзаро таъсир ўтказиш доираси қанчалик кенг бўлса, муаммоларни ҳал қилиш жараёни шунчалик тез амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги олий таълим муаассасалари да психологик хизмат амалиёти талаба ва ўқитувчи, ўқитувчи ва ўқитувчи, ўқитувчи ва раҳбарият ўртасидаги ижобий психологик иқлимни яратишга, шунингдек, олий таълимда фаолият юритувчи ҳар бир шахснинг фаолият самарадорлигини таъминлашга таъсир қилувчи ўзига хос ижтимоий психологик омилларни тадқиқ қилиб мунтазам равишда тегишли психологик тавсияларни тақдим этиб боришга хизмат қилади.





САНОАТ КЛАСТЕРИДА МУВОФИҚЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ

Собитова Раъно Солиджоновна

Термиз давлат университети Иқтисодиёт ва туризм факультети Иқтисодиёт
кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада кооперацияни ривожлантиришда саноат кластерининг аҳамияти ҳамда саноат кластерида мувофиқлаштириш механизмларининг ривожланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: саноат, кластер, кооперация, маҳаллийлаштириш, эркин иқтисодий зона, кичик саноат зонаси

ABSTRACT

The article discusses the importance of the industrial cluster in the development of cooperation, indicators and criteria for assessing the level of development of coordination mechanisms in the industrial cluster.

Key words: industry, cluster, cooperation, localization, free economic zone, small industrial zone

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается значение промышленного кластера в развитии сотрудничества, а также показатели и критерии оценки уровня развития координационных механизмов в промышленном кластере.

Ключевые слова: промышленность, кластер, кооперация, локализация, свободная экономическая зона, малая промышленная зона.

Саноат кластерлари кооперацияни ривожлантириш учун истиқболли тузилмалар ҳисобланади.

Географик жиҳатдан маҳаллийлаштирилган ва ўзаро боғланган корхоналар гуруҳини, ускуналар, бутловчи буюмлар, ихтисослашган хизматлар етказиб берувчилари, инфратузилма, илмий ва ўқув юртлари, бир-бирини тўлдирувчи ва алоҳида компаниялар рақобат устунликларини кучайтирадиган бошқа





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

ташкilotларни ўзида мужассамлаштирган саноат кластерлари ва умуман, кластерлар кооперациянинг такомиллашган шакли ҳисобланади. Кластерга кирадиган корхоналарнинг ўзаро таъсири – бу кооперация ва рақобатнинг уйғунлигидир. Кластерларнинг ривожланиши энг юқори синергик самарани беради ва инвестициялар жалб қилиш учун қулай муҳит, янги технологиялар жорий қилинишини, маҳсулот таннархининг пасайиши ва унинг рақобатбардошлиги ортишини таъминлайди.

Кенг маънода кластерлар – бу минтақаларни иқтисодий ва саноат жиҳатдан ривожлантириш воситасидир. Саноат кластерлари кооперация алоқаларини ҳосил қилиш вазифасини муваффақиятли ҳал қилади ҳамда минтақалар ва бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшади. Ўзбекистонда кластер ислохотларини олиб боришни биринчи бўлиб Президент Ш.Мирзиёев 2017 йилнинг феврида Бухоро вилоятидаги йиғилиш чоғида фермер хўжаликлари ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш тадбирларини босқичма-босқич амалга оширилиши доирасида таклиф қилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерлари каби дон экинлари ва бошқа экинларни ҳамда чоравачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича агросаноат кластерлари ташкил этилмоқда¹.

Кластерлар каби тармоқлараро кооперациянинг ривожланишига ЭИЗ, КСЗ ва технопарклар ҳам ёрдам бермоқда. Ўзбекистонда 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 20 та махсус иқтисодий зона (МИЗ), 317 та кичик саноат зонаси (КСЗ), 21 та технопарк ҳамда 506 та кластерлар мавжуд бўлиб, уларнинг таркибидаги корхоналар сони махсус иқтисодий зоналарда 679 тани, кичик саноат зоналарида 2796 тани, технопаркларда 1077 тани ва кластерларда 509 тани ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, технопарк ва кластерлар сони, бирликда²

¹<https://www.podrobno.uz/cat/obchestvo/strategiya-razvitiya-agmk-prodolzhaet-uspeshnuyu-realizatsiyu-programmy-lokalizatsii-i-importozameshch/>

² www.stat.uz/ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2022 йил январь-декабрь). –Т.:Б.З





	Жами	Шу жумладан:			
		МИЗ	КСЗ	технопарк	кластер
Ўзбекистон Республикаси	864	20	317	21	506
Қорақалпоғистон Республикаси	88	1	11	1	75
вилоятлар:					
Андижон	59	1	19	1	38
Бухоро	65	2	21	2	40
Жиззах	65	2	22	1	40
Қашқадарё	51	-	17	1	33
Навоий	69	1	7	1	60
Наманган	93	2	59	1	31
Самарқанд	68	1	26	1	40
Сурхондарё	72	2	25	1	44
Сирдарё	47	2	11	1	33
Тошкент	43	4	19	1	19
Фарғона	73	1	62	1	9
Хоразм	61	1	10	6	44
Тошкент ш.	10	-	8	2	-

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни амалга оширадиган ишлаб чиқариш кластерларининг ривожланиши минтақаларда иқтисодий ўсишни ошириш учун ресурсларни ҳаракатлантириш йўлларида бири ҳисобланади. 2022 йил натижаларига кўра, энг кўп кластерлар Қорақалпоғистон Республикаси (75 бирлик), Навоий (60 бирлик), Сурхондарё (44 бирлик), Хоразм (44 бирлик) вилоятларида фаолият кўрсатмоқда.

2022 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми жами 62716,8 млрд.сўмни (2021 йилда 43099,1 млрд.с.) ташкил қилди, шундан: МИЗ да 27252,1 млрд.сўмни (18704,2 млрд.с.), КСЗ да 6358,3 млрд. сўмни (3964,4 млрд.с.), технопаркда 427,2 млрд.сўмни (494,5 млрд.с.) ва кластерларда 28679,2





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

млрд.сўмни (19936,0 млрд.с.) ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич кластерлар ҳиссасига тўғри келмоқда³.

2022 йил якуни бўйича ЭИЗ ларнинг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши ўтган йилга нисбатан 0,8 фоизли пунктга ошиб, 4,9% ни ташкил этди.

2022 йилда МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналар томонидан ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми жами 257,2 млрд.сўмни ташкил этди, шундан, МИЗ да 63,3 млрд.сўмни, КСЗ да 138,2 млрд.сўмни, технопаркларда 7,9 млрд.сўмни ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич КСЗ таркибидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, 138,2 млрд.сўмни ташкил этган⁴

2022 йилда МИЗ, КСЗ, технопарклар ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналар томонидан молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми жами 7621,5 млрд.сўмни ташкил қилди (2021 йилда 4801,6 млрд.с.), шундан: МИЗ да 3735,0 млрд.сўмни (мос равишда, 3319,9 млрд.сўм), КСЗ да 1663,6 млрд.сўмни (219,3 млрд.с.), технопарк 156,4 млрд.сўмни (17,5 млрд.с.) ва кластерларда 2066,5 млрд.сўмни (1245,0 млрд.с.) ташкил этди⁵.

Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (-) миқдори жами 5377,5 млрд.сўмни (2021 йилда 1925,3 млрд.сўмни) ташкил қилди. Шундан: МИЗ да 2081,4 млрд.сўмни (540,3 млрд.сўм), КСЗ да 372,8 млрд.сўмни (258,0 млрд.сўм), технопаркда 1912,0 млрд.сўмни (12,9 млрд.сўм) ва кластерларда 1011, 3 млрд.сўмни (1114,1 млрд.сўм) ташкил этди (3.2.4-илова).

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, дебитор қарздорлик миқдори жами 16377,9 млрд.сўмни (2021 йилда 9121,2 млрд.с.) ташкил қилди, шундан: МИЗ да 6950,7 млрд.сўмни (мос равишда, 4995,7 млрд.с.), КСЗ да 1212,7 млрд.сўмни

³ www.stat.uz/Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2022 йил январь-декабрь). –Т.:Б.3

⁴ www.stat.uz/Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2021 йил январь-декабрь). –Т.:Б.5


⁵ www.stat.uz/Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2022 йил январь-декабрь). –Т.:Б.6





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

(696,8 млрд.с.), технопарк 1004,1 млрд.сўмни (65,8 млрд.с.) ва кластерларда 7210,4 млрд.сўмни (3362,8 млрд.с.) ташкил этди 1-расм.



1-расм. МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналарнинг 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги, млрд сўмда⁶

Кредиторлик қарздорлиги миқдори жами 19474,8 млрд.сўмни (11959,2 млрд.с.) ташкил қилди, шундан: МИЗ да 8060,0 млрд.сўмни (5843,1 млрд.с.), КСЗ да 1302,4 млрд.сўмни (1126,3 млрд.с.), технопарк 1995,5 млрд.сўмни (102,7 млрд.с.) ва кластерларда 8116,9 млрд.сўмни (4887,2 млрд.с.) ташкил этди.

Республикадан ташқари (экспорт) га юклаб жўнатилган саноат маҳсулотлари (товарлар ва хизматлар) миқдори жами – 12463,2 млрд.сўмни ташкил қилди. Шундан: МИЗ да 5290,6 млрд.сўмни, КСЗ да 1273,7 млрд.сўмни, технопарк 139,6 млрд.сўмни ва кластерларда 5759,3 млрд.сўмни ташкил этди⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сонли “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Худудларда саноат кластерларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича:

⁶ www.stat.uz/Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2022 йил январь-декабрь). –Т.:Б.8

⁷ www.stat.uz/Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2022 йил январь-декабрь). –Т.:Б.9





- республика хуудларида саноатни жадал ривожлантириш ҳамда илм-фан, инновация, лойиҳа, молия, инжиниринг ва инвестиция ташкилотларини камраб олган “саноат кластерлари”ни ташкил этиш;
- маҳаллий хом ашё ҳамда материаллардан самарали фойдаланиш асосида қўшилган қиймат занжирини яратишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш назарда тутилган.

1-жадвал

Саноат кластерида мувофиқлаштириш механизмларининг ривожланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари⁸

Баҳолаш мезонлари	Мақсадли кўрсаткичлар
Ихтисослашган ташкилот фаолиятининг натижавийлиги	
Саноат кластерини ривожлантириш дастури доирасида кредит ва инвестиция ресурсларини жалб қилиш	Саноат кластери иштирокчи-ташкилотлари асосий капиталига инвестицияларнинг ҳажми ва ўсиш суръати (Смувоф.1)
Интеллектуал фаолият натижалари ва яққалаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш	Ихтиролар, фойдали буюмлар, саноат намуналари ва интеллектуал фаолият бошқа натижаларига олинган патентлар ва берилган буюртмалар сони (Смувоф.2)
Саноат кластери маҳсулотларининг илмий-техник кооперацияси ва жумладан, ташқи бозорларга силжишига кўмаклашиш, маркетинг	Саноат кластери маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати. Саноат кластери инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати (Смувоф.3) Саноат кластери маҳсулот экспортининг ҳажми ва ўсиш суръати (Смувоф.4).

⁸ Муаллифнинг ишланмаси.





Саноат кластери ичида кооперация механизмларининг ривожланиш даражаси	Саноат кластери ичида кооперация механизмларининг ривожланиш даражаси интеграл кўрсаткичи (С кооп.).
Саноат кластерини ривожлантириш дастурини амалга ошириш самарадорлиги	
Саноат кластери доирасида юқори унумли иш ўринлари сони (С мувоф.)	Саноат кластери барча иштирокчилари иш ўринлари сонининг камида 50% и
Саноат кластерида меҳнат унумдорлиги (1 ишчига ҳисоблаганда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми). (Смувоф.б).	Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари қайта ишловчи саноатидаги ўртача меҳнат унумдорлигидан юқори бўлиб, ҳудудларда саноат кластери инфратузилмаси жойлашган.
Саноат кластерида мувофиқлаштириш механизмларининг ривожланиш даражаси интеграл кўрсаткичи $(С_{мувоф} = 0,18 (С_{мувоф1}) \times 0,18 (С_{мувоф2}) \times 0,18 (С_{мувоф3}) \times 0,1 (С_{мувоф4}) \times 0,18 (С_{мувоф5}) \times 0,18 (С_{мувоф6})$	

Саноат кластерлари асосида саноат корхоналари, таълим ва илмий ташкилотлар нафақат илмий-техник соҳада қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурсларни бирлаштириш, балки давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш ҳисобига уларни анча ўстириш имкониятига ҳам эга бўладилар. Ишонч билан прогноз қилиш мумкинки, саноат кластерларини тузиш муҳандислик, техник, иқтисодий мутахассисликлар бўйича ўқитиш дастурларини амалга оширадиган ОЎЮ ларининг саноат корхоналари билан кооперацион алоқаларини (биринчи навбатда, тармоқ менежменти бўйича) ривожлантиришнинг қўшимча катализатори бўлиб хизмат қилади⁹.

⁹ Ферова И.С., Кожина Т.В., Шорохов Р.Г., Таненкова Е.Н., Шкарпеткина Е.В. Промышленные кластеры и их роль в развитии промышленной политики региона: монография / Красноярск: Сибирский федеральный университет, 2013. – С.110.





ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сонли “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/>.

2. Вертакова Ю.В, Положенцева Ю.С., Хлынин М.Ю. Формирование и развитие промышленных кластеров // Техничко-технологические проблемы сервиса. 2014. №1 (27). - С. 95

3. Ферова И.С., Кожинова Т.В., Шорохов Р.Г., Таненкова Е.Н., Шкарпеткина Е.В. Промышленные кластеры и их роль в развитии промышленной политики региона: монография / Красноярск: Сибирский федеральный университет, 2013. – С.110.

4. Sobitova R. S. Kooperatsiyani rivojlantirishda sanoat klasterlarining roli. O‘zbekistonda yangi iqtisodiy islohotlar sharoitida ziyorat turizmini rivojlantirish: muammolar va istiqbollar” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari XIA 2023 yil 20 noyabr 160-164 betlar

www.stat.uz/Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик sanoat зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2021 йил январь-декабрь). –Т.:Б.5

www.stat.uz/Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зона, кичик sanoat зонаси, технопарк ва кластерлар фаолияти (2022 йил январь-декабрь). –Т.:Б.6





САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Собитова Раъно Солиджоновна

Термиз давлат университети Иқтисодиёт ва туризм факультети Иқтисодиёт
кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон иқтисодиётининг импортга қарамлиги 1991-2022 йиллар давомида ошиб борди. Бунинг натижасида мамлакат тўлов баланси салбий қолдиғи (импорт ҳажми экспорт ҳажмидан ошиб кетади) ва миллий товарларнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлиги муаммоларига дуч келинди. Миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, протекционизм ва чет эл маҳсулоти ўрнини босиш чораларини киритиш зарурлиги республиканинг ЖСТ га қўшилиши масаласи турган бир пайтда юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясида “Савдо сиёсати ва экспортни янада эркинлаштириш, нотариф савдо тўсиқларини қайта кўриб чиқиш ва уларни ЖСТнинг битимлари ва нормаларига мувофиқлаштириш, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда харажатлар ва чиқимларни қисқартириш, чегарадаги савдони кенгайтириш, шунингдек, экспортни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси ва институтларини ривожлантириш учун шарт-шароитларни шакллантириш назарда тутилган”¹ лиги бежизга эмас.

Иқтисодиёт тармоқларида устувор йўналишларни танлашда эътибор ресурсларни тежаш, маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошиши, бандликнинг барқарорлиги, трансакция чиқимларининг пасайиши, инсон капиталининг ўсиши учун энг кўп самара берадиган йўналишлар ва технологияларга қаратилиши керак. Бу рангли металлларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари билан кооперацияга йўналтирилган ирригация ва маиший техника учун энергияни тежайдиган электр

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ID-10120-сонли Қарори.





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2024 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-7

двигателларининг янги авлодини, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини масофадан туриб баҳолаш учун янги лазер технологияларини ишлаб чиқариш бўйича технологик кластерлар бўлиши мумкин. Бу унинг экспорт имкониятларини анчагина кенгайтириш, ресурслардан фойдаланишни назорат қилишнинг замонавий тизимларини жорий этиш учун меҳнат кўп талаб қилинадиган асбобсозлик ва шу кабилар бўлиши мумкин.

